БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 129 (2162).
1 ИЮЛЬ ЯКШАНБА 1962 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

СИЗЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ЁЗМА КЎРСАТМАЛАР ИЖОД ҚИЛИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМАСЛИКЛАРИНГИЗ ЛОЗИМ, МАЖЛИСБОЗЛИККА БЕРИЛИБ КЕТМАСЛИГИНГИЗ ЛОЗИМ. СИЗЛАРНИНГ БУРЧИНГИЗ ШУКИ, ЖОЙЛАРГА БОРИБ, ҲАР БИР КОЛХОЗДА, СОВХОЗДА ИШЛАРНИНГ АҲВОЛИНИ ТЕКШИРИБ ТУРИШИНГИЗ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ КОНКРЕТ ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРИШИНГИЗ КЕРАК. КАМЧИЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА АКТЛАР ТУЗИБ ЮРМАСДАН, БАЛКИ ЕТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ ЎЗ ЖОЙИДА ДАРҲОЛ ҲАЛ ҚИЛАВЕРИНГ, СИЗЛАР ЖОНЛИ ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ ТЎҒРИ УСЛУБИНИ БИРИНЧИ КУНЛАРДАНОҚ ЎЗЛАШТИРИБ ОЛСАНГИЗ, У ҲОЛДА ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ БЎЛИБ ЧИҚИШИГА УМИД ҚИЛИШ МУМКИН.

Н. С. ХРУЩЕВ.

КОЛХОЗ-СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Ўртоқ Н. С. ХРУЩЕВнинг

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ МАРКАЗ РАЙОНЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МОСКВА ШАҲРИДА БЎЛГАН КЕНГАШИДА 1962 ЙИЛ 27 ИЮНДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз ўртоқлар!

Бу ерда Россия Федерациясининг Марказ районларидаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари тўпланишган. Партия Марказий Комитети сизларнинг кенгашингизга катта аҳамият бераётир. Бунинг сабаби шуки, сизлар, ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилашда дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун умумхалқ курашида ғоят муҳим роль ўйнашларингиз керак.

Ишлаб чиқариш бошқармалари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи принципиал янги органлардир. Ўтмишда Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг маҳаллий органлари ўз структураси жиҳатидан колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини бошқаришга мўлжалланган эмас эди. Умумий маслаҳатлар ва умумий тавсиялар берилаверар, раҳбарлик декларатив тарздаги раҳбарлик бўлар эди, бу раҳбарлик колхозлар ва совхозлардаги ишлаб чиқаришнинг боришига таъсир кўрсатмас эди.

Янги қишлоқ хўжалик органларининг туб фарқи шундаки, бу органлар фақат колхозлар ва совхозлардаги ишлаб чиқаришни бошқариш учунгина тузилган. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни бошқариш директивалар ва буйруқлар орқали эмас, балки ҳар бир колхоз ва совхозда бевосита ташкилотчилик ишларини олиб бориш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Сизлар, ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалаларига доир ёзма кўрсатмалар ижод қилиш билан шуғулланмасликларингиз лозим, мажлисбозликка берилиб кетмаслигингиз лозим. Сизларнинг бурчингиз шуки, жойларга бориб, ҳар бир колхозда, совхозда ишларнинг аҳволини текшириб туришингиз ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масалаларини конкрет ҳал қилиб беришингиз керак. Камчиликлар тўғрисида актлар тузиб юрмасдан, балки етилган масалаларни ўз жойида дарҳол ҳал қилаверинг. Сизлар жонли ташкилотчилик ишларини олиб боришнинг тўғри услубини биринчи кунларданоқ ўзлаштириб олсангиз, у ҳолда ишнинг муваффақиятли бўлиб чиқишига умид қилиш мумкин.

Мен шу нарсани айниқса уқтириб ўтмоқчиманки, дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ, келгуси йилда янги муваффақиятларга эришишни таъминлайдиган яхши негиз вужудга келтирмоқ учун ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари бу йилнинг ўзидаёқ мумкин бўлган ишларнинг ҳаммасини қилишлари керак.

Совет халқи, коммунизм қуриш ишларининг ҳаммасини ташкил этиб турган Коммунистик партия экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда улкан ютуқларга эришдилар. Шу ютуқларга асосланиб туриб, партия XXII съезди партиянинг янги Программасини — мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини қабул қилди. Бу программа тезроқ амалга оширилиши учун биз ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида ўз ишимизни қайта қуришимиз зарур. Армия ҳужумга тайёрланаётганида ўз сафларини қайта қуриб олади, ўзининг айрим қисмларини ва бўлинмаларини мустаҳкамлаб олади, худди шунинг сингари биз ҳам янги программа қабул қилинганидан кейин коммунистик қурилишнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши каби зарбдор фронтида жиддий иш қилишимиз лозим бўлиб қолди.

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ПРИНЦИПИ—ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИДИР

Маълумки, партия XXII съездидан кейин қишлоқ хўжалик ходимларининг зона кенгашлари ўтказилди, Марказий Комитетнинг март Пленуми бўлиб ўтди. Партия съезди ўз ишини тамомлаши биланоқ Марказий Комитет, аввало, қишлоқ хўжалигининг энг зарур масалаларини ҳал қилишга киришганлигининг сабаби нима? Бундай қилинганлигининг сабаби шуки, бизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши саноатнинг ўсиш суръатларидан ҳали ҳам орқада қолмоқда, бу ишлаб чиқариш саноат ишлаб чиқаришига қараганда унчалик яхши ташкил этилмаган. Ишга чинакам коммунистларча қараладиган бўлса, XXII съезд қарорларини амалга ошириш моҳирлик билан ташкил этиладиган бўлса, у ҳолда бизга олға юришимизга халақит бераётган нарсаларни йўқотмоқ учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма бўғинларини яна бир марта текшириб чиқиш керак эди.

Мана шундай кенгашлар чақириш, одамларнинг фикрини эшитиш, улар билан маслаҳатлашиш, илғорларнинг тажрибаларини яхшироқ ўрганиш, фанда қандай муваффақиятлар борлигини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тез юксалтирмоқ учун нималарни колхозлар ва совхозларга хизмат қилдириш кераклигини обдон билиб олишимиз лозим эди. Зона кенгашларида қишлоқ хўжалигининг янги катта имкониятлари борлиги аниқланди. Шу билан бирга, шу нарса яна кўпроқ равшан бўлиб қолдики, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари пастлиги чорвачилик сингари ҳаётий муҳим тармоқни юксалтиришга тўсқинлик қилаётган экан, харид нархларининг камлиги натижасида гўшт етиштириш колхозларнинг катта кўпчилиги учун зарар бераётган экан. Колхозлар ва совхозлардаги чорвачилик маҳсулотини мана шундай нархлар билан харид қилиш тартиби сақланиб қоладиган бўлса, бу нарса гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга келгусида ҳам жиддий тўсқинлик қила берган бўлур эди. Буни яхши тушуниб олиш керак.

Шу нарсани чуқур англаб олиш зарурки, модомики, бугун биз гўшт ва ёғни тайёрлаш нархларини ва унинг чакана нархларини оширган эканмиз, бу чора чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш учун кўрилган чорадир. Бундай қараганда, колхозчи деҳқонлар бундан ютиб чиқиши, шаҳардаги истеъмолчи эса бунинг натижасида ютқизиши керакдек бўлиб кўринади. Лекин ҳақиқатда бундай эмас. Давлат харид нархларини ошириб, гўшт етиштиришни тез кўпайтириш учун шароит вужудга келтирди. Бу билан совет кишиларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ва ошиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондириш вазифасини ҳал қилиш йўлида катта қадам қўйилди. Бинобарин, бу зарур ва муҳим чора бутун халқнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Коммунистик жамият қуриш нима демак? Бу аввало хўжалик энг замонавий асосда қайта қурилади, саноат ва қишлоқ хўжалигида юксак меҳнат унумдорлиги таъминланади, турмуш ва маданият қайта қурилади, бутун жамият учун ва ҳар бир меҳнаткаш учун моддий неъматларни кўпайтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилинади, демакдир. Коммунизм инсоннинг маънавий-сиёсий талабларини юксак даражада қондиради. Лекин, ўзларингизга маълумки, фақат шунинг ўзигина кифоя қилмайди. Инсон маънавий-сиёсий факторлар билан бугун, эртага ва индинга қаноатланаверади, кейин эса у — маънавий-сиёсий қаноатланиш билан бирга гўшт, сут, ёғ ва бошқа маҳсулотлар мўл қилинса яхши бўлур эди, дейиши мумкин. Бу ҳам ҳақли талабдир. жамиятда моддий неъматларни ишлаб чиқаришни кўпайтирмай туриб, ишни олға силжитиш қийин бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ва, аввало, чорвачиликни янада кескин юксалтирмоқ учун нималар қилиш керак эди? Чорвачиликнинг моддий базасини мустаҳкамлашда колхозларга ва совхозларга жиддий ёрдам кўрсатиш керак эди. Ишлаб чиқаришнинг мана шу муҳим тармоғини юксалтиришдан қишлоқ хўжалик ходимларини моддий манфаатдор қилмоқ учун гўштнинг харид нархларини ошириш даркор эди. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашнинг эски нархларини сақлаб қолиш бу маҳсулотларни етиштиришни кўпайтирмоқ учун шароит вужудга келтирмаслик бўлур эди. Қўполроқ бўлса ҳам, сизлардан кечирим сўраб, шуни айтишим керакки, гўшт қанча кўп етиштирилса, хўжалик—колхоз ёки совхоз—шунчалик зарар кўраверса, бундай ҳолда қайси аҳмоқ гўшт етиштиришни кўпайтиради. Гўшт етиштиришни кўпайтиришга қишлоқ хўжалик меҳнаткашини даъват қилаверсак-ку, у бу даъватни эшитиб, кўз қисиб туриб: улар бу ишни тушунармиди, ёки ўзлари нима гапираётганлигини тушунмай валдирайверадилар, деб ўйлайверса, бундай ҳолда қишлоқ хўжалик меҳнаткашини гўшт етиштиришни кўпайтиришга қандай қилиб даъват қилиш мумкин. Илгариги нархлар одамларни гўшт етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдор қилиш принципини бузиб келди. Яна бунинг устига бу нархлар ҳатто бу хил маҳсулотни етиштириш учун сарфланган харажатларни ҳам қопламади. Модомики, гўшт етиштирмоқ учун керак бўлган харажатларнинг ўрнини шу гўштга тўланган ҳақ қопламаётган экан, бу нарса дарахтнинг, яъни ишлаб чиқаришнинг томирини қирқаверади, албатта, бамисоли шундай бўладики, бу ҳолда дарахтнинг шохлари қирқилмайди, балки томири қирқилади, дарахт ҳам қуриб, ағдарилиб тушади.

Гўшт нархлари тўғрисидаги масаланинг моҳияти мана шунда. Буни биз, коммунистлар тушуниб олишимиз керак ва буни ҳаммага яхшилаб тушунтиришимиз керак. Биз боғбон сингари ишлаб чиқаришимизнинг томирини—экономиканинг асосини сақлаб қолишимиз лозим. Демак, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтирмоқ учун шарт-шароит вужудга келтириш керак бўлиб қолди. Худди шунинг учун ҳам гўшт ва ёғнинг харид ва чакана нархларини ошириш тўғри келди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи нималардан таркиб топади? Бу нарх колхозлар ва совхозларнинг ишлаб чиқаришга қилган сарфларидан, яъни таннархидан, яна бунинг устига ташкилий ва савдо-сотиқ харажатларидан ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ишлатиладиган маълум жамғармалардан таркиб топади. Юқорида айтиб ўтганимдек, биздаги мавжуд харид нархлари колхозлар ва совхозларнинг гўшт етиштиришга қилган сарфларини қопламай қолди, яна бунинг устига ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқ учун жамғармалар тўплашни ҳам таъминламади. Гўштнинг харид нархларини ошириш керак эди. Биз худди шундай қилдик. Бироқ, харид нархлари оширилса-ю, гўштнинг чакана нархлари оширилмаса, бу нарса экономика қонунларига зид бўлиб тушар эди, ишга катта зиён етказган бўлур эди. Харид нархлари оширилса-ю, чакана нархлар оширилмаса, у ҳолда баъзи бир колхоз раисида шундай фикр туғилиши, яъни: колхозда гўшт етиштириш билан шуғулланиш фойдалимикин, ёки давлат магазинига бориб у ердан гўштни арзон нарх билан сотиб олиб сўнгра ошиқроқ харид нархи билан бу гўштни давлатга сотиш ва шу тариқа пул ишлаб қолиш фойдали бўлурмикин? деб ўйлаб қолиши ҳам мумкин эди. Бундай қилиш гўшт етиштиришни кўпайтиришга ёрдам берган бўлурмиди, ахир? Йўқ. Бу нарса спекуляцияга ва гўшт етиштиришнинг камайиб кетишига йўл очган бўлур эди.

Харид нархлари билан чакана нархларнинг нисбати тўғри бўлиши, яъни гўшт етиштиришни кўпайтиришга рағбатлантирадиган иқтисодий восита бўлиши мутлақо зарур. Чорвачиликни ривожлантириш бизда шундай аҳволга тушиб қолган эди, шу сабабли партия харид ва чакана нархларни ошириш сингари жиддий чорани кўриши лозим бўлиб қолди. Бундан ташқари, гарчи, ўзларингизга маълумки, бизда гўшт тайёрлаш кейинги йилларда икки баравар кўпайган бўлсада, аҳолига сотиш учун гўштнинг ўзи ҳам кам эди. Гарчи биз сариёғни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларига қараганда кўпроқ етиштираётган бўлсак ҳам, лекин у ҳам магазинларимизда етишмайди. Сариёғ етиштириш тўғрисидаги баъзи рақамларни айтиб бераман. 1961 йилда СССРда 894 минг тонна ёғ етиштирилди (1953 йилда 497 минг тонна етиштирилган эди). АҚШда 1961 йилда 685 минг тонна ёғ етиштирилган эди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда СССРда 4,1 килограмм, АҚШда эса 3,7 килограмм ёғ етиштирилди.

Америка сингари бой капиталистик мамлакатда ўтказилаётган нархлар сиёсати натижасида ёғ магазинларда тўлиб ётибди. Биз аҳоли жон бошига ҳисоблаганда сариёғни АҚШдагига қараганда кўп етиштираётган бўлсак ҳам, ёғ бизда камлик қилаётир, чунки бизда бу фойдали маҳсулотни аҳолининг жуда кенг табақалари бемалол истеъмол қила олади.

Сизларнинг эътиборингизни яна шундай бир масалага ҳам тортмоқчиман. Нархларни ошириш истеъмолчига фойдалими? Масала шу тахлитда қўйилганида баъзи бир киши бундай дейиши мумкин: бу билан менга нимани исбот қилишмоқчи? Гўштнинг чакана нархларини ошириб, яна менга—бу нарса сенинг учун фойдали дейишади-я! Агар бу масала чуқур ўйлаб кўрилса, бу нарса фойдали, бу чора бутун халқнинг манфаатини кўзлаб кўрилган чорадир. Гўшт нархларининг илгариги даражаси сақланиб қолинганида, бизда гўшт етиштириш кўпаявермас эди. Бинобарин, талаб ва истеъмол ошган сари гўштнинг бозор учун, спекуляция учун базаси кўпаяверар эди, чунки истеъмолчи ўз талабларини маълум даражада давлат савдоси орқали қондирар, аммо асосан у гўштни ошиқроқ нарх билан бозордан сотиб олишга мажбур бўлаверар эди. Бу эса, давлатга катта зарар етказган бўлур эди ва шаҳардаги истеъмолчига катта зарар етказган бўлур эди. Истеъмолчининг пули спекулянтларнинг чўнтагига туша берар эди, гўшт етиштириш эса кўпаймас эди. Энди мен аминманки, колхозларда ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантирмоқ учун шлагбаумни очиб қўйдик.

(Давоми иккинчи бетда).

ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ИЮЛЬ ОЙИ БОШЛАНДИ

☆ ☆ ☆ ☆

СУВЧИ—ғўзанинг табиби

Тонг бўзариб келаяпти — оппоқ тонг! Кенг пахтазорга завқинг тошиб боқасан шу пайт. Ғўзалар шамол эпкинида майин тебранар, ғуж-ғуж шоналари кўз қамаштириб, асл деҳқон ғайратидан далолат берар, боқа-боқа тўёлмайсан, кетолмайсан, нақадар оромбахш — бу файзли далалар!

Сокин тун пардасин йиғиштиргунча, қадоқли қўлида фонарь кўтариб, чарчашни билмайин, киприк қоқмайин эгат оралаган миришкор сувчи ҳозир ҳам бардаму, постида сергак. Она тун бўйи ўз фарзандига кўкрак сути бериб, бардам ўсгин, деб шаффоф тонгни қаршилагандек, миришкор сувчи ҳам ҳар туп ғўзани фарзанддек ардоқлаб, меҳрини қўйиб, элга нафинг тегсин — тинчлик бўлсин, деб унинг томирига ҳаёт суви оқизди, сув эмас, шифобахш қонни оқизди!

Мана, бошини қийиқ билан танғиган, эгнида «оқ олтин» ипидан тўқилган яхтак, кетмон дастасига бир зум таяниб, олисларга назар ташлайди сувчи: жўякларда бир текис оқиб, тупроқни қорайтиб жилдираётган сувни кузатади моҳир пахтакор. У Чиноз районлик, «XXI партсъезд» колхозининг чин ифтихори!

— Сувчи универсалчи билан дўст бўлсин, ҳамнафас бўлсин, — Эгамберди аканинг шиоридир бу. Механизатор ғўза қатор ораларини икки томонлама сифатли юмшатса, шу ердаги ғўза бир суткадаёқ қониб сув ичади. Ҳа, тупроқ қанча юмшоқ бўлса, сув ерга шу қадар тез ва яхши сингади. Ҳаммадан муҳими исрофгарчилик бўлмайди. Мен ҳар қайси эгатга бошбармоқ йўғонлигида сув оқизаман. Агар бундан кўп сув таралса-чи, у тез оқади, ерни ювиб ғўзанинг илдизини очиб кетади. Сув ерга яхши сингиб бормагани учун ғўза ташналигини қондираолмайди.

Миришкор деҳқон Эгамберди ака Худоёровнинг шу қимматли ўгитларига амал қилаётган шогирдлари ўз колхозлари аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлишаяпти.

Янгиер районидаги «Фарҳод» совхозининг азамат кишилари партиямиз Марказий Комитети март Пленуми қарорларини дилга жо қилиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата ёзган Мурожаатига жавобан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олишди. Илгари белгиланганидан қарийб 2,5 минг тонна кўп «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишди. Шу катта курашда совхознинг миришкор сувчилари мўл ҳосил тақдири учун чинакамига жанг олиб бормоқдалар.

Чиноз райони пахтакорлари барча майдонларда дастлабки суғоришни сифатли тамомладилар, 40 процентдан ортиқ ерга иккинчи марта сув таралди. Қуйичирчиқликлар ҳам ҳар туп ғўзани саратон сувига қондириш учун кечани кундузга, кундузни кечага улаб ғайрат қилишмоқда. Ҳар иккала район деҳқонларининг суғориш соҳасида эришаётган ютуқларининг сирлари нималардан иборат? Илғор совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари ҳозирги ғанимат кунларнинг қадрига етиб, ишни икки сменада ташкил этганлар. Ишнинг кўзини биладиган, бой тажрибага эга бўлган, ғўзага — «оқ олтин»га чинакам меҳр қўйган кишиларни сувчиликка танлаганлар. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари, шу меҳнатларидан моддий манфаатдор бўлишлари учун барча зарур шароитларни яратиб берганлар.

Кошки эди, областимизнинг ҳамма хўжаликларида ҳам чанқоқ ғўзаларни суғориш — саратон сувига қондириш яхши ташкил этилган бўлса, кошки эди бу муҳим соҳага ишда жонкуяр, зийрак ва бардошлик кишилар танланган бўлса. Йўқ, бир қатор хўжаликларда гектар-гектарлаб ғўзалар сувга ташна, гектар-гектарлаб ғўзалар эса масъулиятсизлик орқасида қўллатиб юборилаяпти. Ҳозирданоқ шона ташлаётган ғўзалар ана шу хўжалик раҳбарларининг юрагини ачиштирмаяпти.

Сирдарё районининг «Правда», «Гигант», Куйбишев номли колхозларида бир неча ўнлаб гектар ердаги ғўза сувсизликдан қовжирайбошлаган. Қўллатиб юборилган майдонларда эгатлар оқариб, ғўза томирлари эркин ривожланмаяпти. Шу районда ҳозиргача бор-йўғи умумий пахта майдонининг 64 процентига биринчи сув берилганлигини, иккинчи суғориш фақатгина 3 процентгина бажарилганлигини қандай баҳолаш керак. Гулистон райони колхоз ва совхозлари раҳбарларига ҳам: сизлар ғўзани чанқатиб қўяяпсизлар, азалда-ку кўчат бут эмас эди, эндиликда қолган кўчатни ҳам ташналикдан сақлаб қолаолмаяпсизлар, деб айтсак янглишмаган бўламиз.

Кўкда саратон қуёши ер узра олов селини пуркаяпти. Ҳарорат кундан-кунга кўтарилаяпти, демак экинга сув керак, ғўзага сув керак.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, сувчиликка тажрибали, миришкор кишиларни танланг, уларнинг сафини тўлдиринг, суғоришни икки сменада ташкил этинг. Ҳосил тақдири учун чинакамига жанг олиб бораётган азамат кишиларга янада унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шароитларни яратиб беринг, токи улар ҳар туп ғўзани саратон сувига қондириб суғориш учун астойдил курашсинлар, шоналарни гулга, гулларни тўқ кўсакларга айлантирсинлар.

Бу йил областимиз бўйича она-Ватанга 503 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш партия олдидаги, улуғ халқимиз олдидаги муқаддас ва шарафли бурчимиздир. Бунинг уддасидан чиқиш: бардош билан курашишни, пахта майдонларида сабот ва матонат кўрсатишни, ғайрат, шижоат билан, бир ёқадан бош чиқариб ҳалол меҳнат қилишни талаб этади.

Июль — ғўза парваришида ҳал қилувчи ой. Азамат сувчилар, бундан буён мўл ҳосил тақдири сизнинг ва сизга ҳамнафас бўлган механизаторларнинг қўлида. Ҳар туп ғўзани саратон сувига қондириш учун астойдил курашайлик!

Шу куннинг ВАЗИФАСИ: ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парвариш қилишдан, вақтида қондириб суғоришдан, бегона ўтлардан тозалашдан, зараркунандаларга қарши курашдан иборат.

Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр бўлган июль ойининг бошланиши Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг ўртоқ Н. Шеров бошлиқ бригадаси пахтакорларининг бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб юборди. Бригадада шу ой давомида барча майдонлардаги ғўзаларни бир текис кўсакка киритиш кўзда тутилмоқда. Тракторчи ўртоқ Қ. Эшмуҳамедов ҳозир кунига 9—10 гектар майдонни культивация қилмоқда. Суратда: бригадада культивация қилиш пайти, (доирада) ўртоқ Қ. Эшмуҳамедов.

А. Абалян фотоси.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Бизга шу нарса маълумки, ҳатто баъзи коммунистлар гоҳо бундай дейишади: Партия XXII съездида коммунизм қуриш программасини қабул қилдик, шундан кейин эса гўштнинг нархларини ошириб юбордик. Хўш, биз қаёққа кетяпмиз — олға боряпмизми ёки орқага кетяпмизми? Орқага қараган киши мана шундай муҳокама юритади, олдинга қараган киши эса биз олға бораётганлигимизни яхши кўриб турибди! **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз граждан урушида оқгвардиячиларни тор-мор келтирдик, аммо бутунлай вайрон бўлган хўжалик бизга мерос бўлиб қолди. Ана шу урушдан кейин Владимир Ильич Ленин НЭП деб аталган янги иқтисодий сиёсат жорий қилишни таклиф қилди. НЭП қандай сиёсат эди? Бу сиёсат мамлакат экономикасини тезроқ тиклаб олмоқ учун капиталистик унсурларга вақтинча йўл қўйиб бериш сиёсати бўлган эди. Ўша вақтда В. И. Ленин Ғарб капиталистлари учун ҳатто концессиялар беришга қонунан йўл қўйган эди.

Бундан икки йилча муқаддам мен Хаммер деган бир америкаликни қабул қилиб, суҳбатлашдим. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида унинг Москвада қаламлар ишлаб чиқарадиган концессияси бор эди, ҳозир бу фабрика Сакко ва Ванцетти номидаги фабрика деб аталади, ўша вақтда эса бу фабрика Хаммер фабрикаси деб аталар эди. Ўша америкалик бизнинг мамлакатимиз тўғрисида китобча ёзган. Шу китобчада у ўзини В. И. Ленин қабул қилганлигини ва концессия олишни таклиф этганлигини ҳикоя қилади. Хаммер, ўйлашиб кўраман, деб жавоб берган. Кейин у В. И. Лениннинг олдига келиб, қаламлар ишлаб чиқариш учун концессия олишга қарор қилганлигини айтган. В. И. Ленин унга таажжубланиб қараб, нега сиз фақат қаламлар ишлаб чиқариш учун концессия олмоқчисиз, деган.

— Жаноб Ленин, — деган Хаммер, — сиз ҳамма саводли бўлсин деган вазифани қўйдингиз, аммо сизларда қалам йўқ! Шунинг учун ҳам мен қаламлар ишлаб чиқаришга қарор қилдим! **(Залда жонланиш).**

Мен шу америкаликни қабул қилганимда, у мендан фабрикага бориб, уни кўриб чиқишга ижозат беришни илтимос қилди. У фабрикадан мамнун бўлиб қайтди, баъзи кекса ишчилар эса Хаммерни ҳали ҳам унутмаган эканлар ва уни кўриб, мана, бизнинг эски хўжайинимиз келиб қолди, дейишибди. **(Залда кулги).**

Кўриб турибсизки, В. И. Ленин ҳатто концессиялар беришга ҳам рози бўлган эди. Кексалар, Совет ҳокимияти ерни ижарага олишга ҳам ижозат берганлигини биладилар. Маълум бир даврда ҳатто батракларни ишлатиш ҳам тақиқланмаган эди. Қулоқларнинг батраклари бўлар эди. Янги иқтисодий сиёсат жорий қилинган даврда партиянинг баъзи аъзолари довдираб қолишди: Бу қандай гап, капиталистларга қарши курашда, қон тўккан бўлсак-ку, эндиликда биз ўзимиз уларни таклиф қилаётирмиз. Биз қаёққа кетяпмиз: олғами ёки орқагами! — деган гапларни ҳам айтишди. Йўлбошчимиз В. И. Ленин мамлакатни ва партияни қаёққа олиб борганлигини энди ҳамма кўриб турибди! **(Гулдурос қарсаклар).** Партия Лениннинг фикрини тўғри тушунди. Ленин йўлидан борди! **(Қарсаклар).** В. И. Лениннинг ташаббуси билан давлатимиз кўрган чора яхши натижалар берди, бу чора мамлакатимизда социализмнинг ғалабасига ёрдам берди.

Янги иқтисодий сиёсат чекиниш бўлганмиди? Эндиликда ҳаммага равшанки, бу сиёсат социализмнинг капитализмга ҳужуми бўлган эди! В. И. Ленин социализм учун курашчилар армиясини янги ҳужум олдидан қайта қураётганида мана шундай қатъий чораларни кўрган эди. Сиёсатни ишлаб чиқиш чоғида мана шундай дадил ва оқилона иш кўришни биз В. И. Лениндан ўрганишимиз лозим. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш бутун партиянинг, бутун халқнинг иши эканлигини уқтириб ўтган партия XXII съездидан кейин Марказий Комитет колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда кечиктириб бўлмайдиган бир қанча чораларни амалга оширишни зарур деб топди. Шундай қилиш мутлақо зарур эди. Дарҳақиқат, совхоз директори, колхоз раиси чорвачилик маҳсулотларининақадар кўп етиштирса, шу қадар кўп зарар кўраётганлигини билиб турганидан кейин гўшт етиштиришни қандай қилиб кўпайтириш мумкин? Зарар кўрганлик учун эса биз мақтаган эмасмиз ва сира мақтамаймиз, балки танқид қила берамиз. Биз қишлоқ хўжалик ходимларини гўштни кўпроқ етиштиришга чақира бердик, аммо улар гўшт етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдор эмас эдилар! Бу тўсиқ олиб ташланмагунча биз чорвачиликни ривожлантириш учун йўлни очиб қўйдик, деб ҳисоблай олмас эдик. Партия XXII съездининг қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида қўйган вазифаларини амалга оширишни таъминлайдиган энг яхши шарт-шароитни вужудга келтирмоқ учун бу тўсиқларни худди ҳозирги пайтнинг ўзида олиб ташлаш керак бўлди, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришни қайта ташкил этиш ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИ ВА РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИ

Нима учун партия Марказий Комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришни қайта қуриш учун бу қадар қаттиқ кураш олиб бормоқда? Гап шундаки, раҳбарликнинг эски ташкилий формалари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг зарур манфаатларига эндиликда мувофиқ келмай қолди, уни юксалтиришга ёрдам бериш у ёқда турсин, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга тўсқинлик қилувчи фактор бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишда илгари ҳам, ҳозир ҳам қисман территориал принцип, территориал негиз сақланиб келди. Ваҳоланки, биз қишлоқ хўжалигини бошқаришда ишлаб чиқариш принципини асос қилиб олишимиз керак. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини бошқарадиган аппарат тузиш лозим.

Районни олиб кўринг. Районни қишлоқ хўжалигининг бир бўлими деб бўладими, ахир? Йўқ. Район — муайян территориянинг маъмурий марказидир. Шунинг учун ҳар бир районда худди марказдаги каби ҳамма бошқарув органлари бор. КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари бор, район партия комитетининг ҳам биринчи секретари бор. Марказий Комитетда бошқа секретарлар бор, район комитетида ҳам бошқа секретарлар бор. Бизда қишлоқ хўжалик министри бор, яқин вақтгача районда ҳам ер бўлимининг мудири бор эди; марказда соғлиқни сақлаш министри бор, районларда ҳам ўзларининг соғлиқни сақлаш министрлари — район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирлари бор **(залда жонланиш).** Республикада автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги бор. Район ижроия комитети ҳузурида ҳам йўл қурилишининг тегишли бўлими бор. Хуллас, бошқарманинг маъмурий территориал принципи асос қилиб олинган. Районда нима йўқ? У ерда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун жавоб берадиган кишилар йўқ, колхоз ва совхозларни ишнинг кўзини билиб бошқарадиган, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг пишиб етилган масалаларини ҳал қиладиган мўътабар орган йўқ.

Бу ерда сўзга чиққанлардан бири айтдики, район комитети кенгаш чақиради ва бу кенгашга 400 кишини таклиф қилади ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига жуда умумий йўл-йўриқлар беради. Район комитети кенгаш ўтказгандан кейин район ижроия комитети ҳам албатта кенгаш ўтказади. Агар район комитети 400 кишини тўплаган бўлса, район ижроия комитети ундан ҳам кўпроқ кишини тўплагиси келади, у 450 кишини йиғади. **(Залда жонланиш)** Район комитетининг секретари қишлоқ хўжалигидаги вазифалар тўғрисида доклад қилади, район ижроия комитетининг раиси ҳам худди шу гапларни такрорлайди. Район ташкилотлари резолюциялар кабул қиладилар, кўрсатмалар берадилар, нима иш қилиш кераклигини айтадилар. Хўш, бу кўрсатмаларни ким амалга оширади, ким ишни ташкил қилади? Бундай орган бизда ҳозиргача йўқ эди. Шунинг учун баъзан мана бундай ҳам бўлади: бирмунча вақт ўтиб, яна кенгашлар чақирадилар, баъзи кишиларни огоҳлантирадилар, баъзи кишиларга виговор берадилар ва иш шу билан юришиб кетади, деб ўйлайдилар. Вақт ўтаверади, лекин ишда жиддий ўзгариш бўлмайди. Яна кенгаш ёки мажлис чақирадилар. Лекин бу сафар кўрсатмаларни бажармаганларга қаттиқ виговор берадилар. **(Залда жонланиш).**

Менинг бу гапларимни тўғри тушунинглар. Мен ҳамма район ходимларини ёмонламоқчи эмасман, албатта. Район партия комитетлари ва ижроия комитетлари партиямизнинг улуғ планларини амалга ошириш учун кўп иш қилдилар. Лекин янги, ўзгарган шароитда раҳбарликнинг эски ташкилий форма ва методлари ҳозирги юксак вазифаларга мувофиқ келмай қолди.

Бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигига эски методлар билан раҳбарлик қилиш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас!

Таққослаб кўриш учун саноат ишлаб чиқаришини олайлик. Бу ерда аҳвол бошқача. Заводда директор, бош инженер бор, шу заводнинг ишчиларидан ташкил топган ва шу ишчилар билан бирга ишлаб чиқариш манфаатлари учун жон куйдирадиган партия ташкилоти бор. Областда Халқ хўжалиги кенгаши бор; бу кенгаш республика ёки Иттифоқдаги раҳбар органлардан олинган кўрсатмаларга асосланиб, ишлаб чиқариш планларини белгилайди, корхоналарнинг ишини йўлга солади. Саноат ишлаб чиқариши, кўриб турибсизки, ишлаб чиқариш асосида бошқарилади. Ишлаб чиқариш процессини ташкил қилишни, унинг технологиясини бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Кимки буларни бузса, у киши жазоланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришдаги аҳвол бутунлай бошқача. Қишлоқ хўжалиги йўл бўйида ўсиб ётган мевага ўхшайди: бу йўлдан ким ўтиб борса ўша киши мевани узиб кетаверади. Ҳар бир нодон ҳам қишлоқ хўжалигида ўзини мутахассис деб ҳисоблай беради. Картошка ейдиган ҳар кимса картошкани экиб ўстира оламан ҳам деб ўйлайди. **(Залда жонланиш. Қарсаклар).**

Масалан, автомобиль заводида эса бундай ҳодисани асло учратмайсиз. Автомобиль ишлаб чиқариши билан алоқаси бўлмаган бирор шаҳарлик кишидан, сиз заводга бориб автомобиль ясай оласизми, деб сўраб кўринг-чи, бу киши албатта сизга: мен бу ишни билмайман, уддасидан чиқолмайман, деб жавоб беради.

Агар гап қишлоқ хўжалиги тўғрисида борса, кўплар: қишлоқ хўжалигини биламиз, бобомиз билан бувимиз полизда ишлаганларини кўрганмиз, ўзимиз ҳам полизда бўлганмиз ва ҳозир ҳам картошка экамиз, деб жавоб берадилар. **(Залда жонланиш).** Кўряпсизми, у картошка экар экан ва шунинг ўзи билан ўзини қишлоқ хўжалигининг билағони деб ҳисоблайди ҳамда колхоз ва совхозларга кўрсатмалар беришга ҳам тайёр.

Биз ҳаммамиз шуни тушунишимиз керакки, қишлоқ хўжалигини бошқариш мураккаб ишдир. У чуқур билим ва тажрибани талаб қилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг технологияси ҳам худди саноат ишлаб чиқаришининг технологияси каби мураккабдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига ҳам жуда малакали, оператив, амалий раҳбарлик қилиш лозим.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришда ишлаб чиқариш принципи асос қилиб олинган тақдирдагина бунга эришиш мумкин.

Шунинг учун партия Марказий Комитети янги қишлоқ хўжалик органларини ишлаб чиқариш бошқармалари деб атади, бу бошқармаларга уларнинг ўзига хос технологларни — агрономлар, инженерлар, зоотехникларни берди. Ишлаб чиқариш бошқармасининг технологи — ташкилотчи-инспектордир. Бу бошқарув органларини энг малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш лозим.

Биз ҳаммамиз Владимир областидаги Коврово ишлаб чиқариш бошқармасининг ташкилотчи-инспектори ўртоқ Ричаговнинг нутқини мамнуният билан тингладик. У конкрет ишлар тўғрисида яхши гапирди. Бу агроном-экономист йигит сут етиштириш ёмон аҳволда бўлган колхозга келган: колхоз нима учун орқада қолаётганлигини аниқлаб олган. Аниқланишича, фермада меҳнат яхши уюштирилмаган экан. Инспектор эса эгасизликни тугатишга ёрдам берган, правление билан биргаликда қўшимча ҳақ тўлаш системасини. энг яхши кишиларни рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиққан. Шундан кейин фермада иш яхши кетган. Ҳар бир ташкилотчи-инспектордан худди шундай конкрет ишлаш талаб қилинади.

Энди ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари билан район ташкилотларининг раҳбарлари ўртасида чиқаётган жанжалли масалаларда — ким-кимга бўйсунади, ишлаб чиқариш бошқармаларига ким раҳбарлик қилиши керак ва ишлаб чиқариш бошқармалари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг аҳволига қайдаражада жавобгардирлар, деган масалалар устида тўхталиб ўтишга рухсат берингиз.

Ишлаб чиқариш бошқармалари қандай ўрин тутиши керак ва район ташкилотларининг роли қандай бўлиши керак деган масала — принципиал масаладир. Бизнинг баъзи ходимларимиз бу принципиал масалада ўзларига хос, унчалик аниқ бўлмаган позиция тутдилар. Улар ишлаб чиқариш бошқармасига бўйсундилар ва айни замонда район комитетига ҳам қулоқ солдилар. Лекин бундай бўйсунишлар ишнинг моҳиятини равшан очиб бермайди. Бу масала аниқравшан бўлмаганлиги учун ҳам кўпгина ходимларимиз жиддий суратда чалкашиб қолдилар.

Гомель область комитетининг Житковичи территориал бошқармаси бўйича партия ташкилотчиси ўртоқ Адамовичдан партия Марказий Комитетига келган хатни ўқиб беришга рухсат этингиз. Жумладан у мана бундай деб ёзади:

«Колхоз ва совхозларни бошқаришнинг ҳозирги структурасида ишда параллелизмдан сақланиш ва ишлаб чиқариш бошқармалари қиладиган ишни қилиб қўйишдан қочиш қийин. Район партия комитетларини ва район ижроия комитетларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишда ва колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволига жавобгар бўлишдан четда қолдириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам район партия комитетлари ва ижроия комитетлари илгаригидек, ишлаб чиқариш бошқармаси билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид кўпгина масалаларни, баъзан ҳатто «нуқул хўжалик масалаларини ва майда-чуйда масалаларни» ҳал қилмоқдалар (чунончи: райком секретари ўртоқ Рябцов ходимларидан бирига ғилдиракнинг гардиши ва губчагини ишлашни ташкил қилишни, иккинчисига отга қўшиладиган полольникларни ва ҳоказоларни қидириб топишни топширади).

Ишдаги чалкашлик ва параллелизм баъзан камайиш ўрнига кўпайиб бормоқдаки, буни яшириб ўтиришнинг хожати йўқ, албатта. Чунончи, Житковичи районидаги Ленин номли колхозда ишлаб чиқариш бошқармасининг мутахассислари — агроном, инженер, инструктор ва бошқа ходимлар етишмаган уруғликни ташиб келтириш, техникани ремонт қилиш масалалари билан бир неча кун шуғулландилар. Колхоз коммунистлари ва активларининг иштирокида колхоз правлениесининг кенгайтирилган мажлисини ўтказдилар.

Орадан 3-4 кун ўтар-ўтмас, район партия комитети «кўкламги экишнинг бориши тўғрисида»ги масала бўйича райком бюросида худди шу колхознинг ҳисоботини эшитди. Райком бюросининг қарори бошқарма мутахассисларининг иштирокисиз тузилди ва бу қарор «кўкламги экиш ишини кучайтириш мажбурияти юклансин».... «Колхозчилар ва ҳоказолар ўртасидаги ишни кучайтириш мажбурияти юклансин» каби умумий гаплардан иборат бўлди. Шундан бир кун кейин район советининг ижроия комитети худди шу масала бўйича колхозлардан бирининг раҳбарларини ўз ҳузурига чақирди.

Мен ўйлайманки, — деб ёзади ўртоқ Адамович, — район партия комитетлари ва ижроия комитетлари ўз мажлисларида колхоз ва совхозларнинг ишига оид турли масалаларни кўриб чиқишлари лозим. Лекин ҳозир, бошқармаларда мутахассислар бўлган бир шароитда, бу масалалар район партия комитетлари ва район ижроия комитетларида бошқарма мутахассислари иштирокида анчагина чуқурроқ ва моҳирона кўриб чиқилиши лозим.

Янада аниқроқ қилиб айтганда бошқармалар район партия ва совет органлари муҳокамасига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг зарур вазифаларини қўйишлари лозим. Ана шундай қилинган тақдирдагина масалалар чуқур муҳокама қилиниши ва тадбирлар кўрилиши мумкин.

Шунингдек, район партия комитетларининг пленумларида ёки район Советларининг сессияларида бошқарма бошлиғи ёки мутахассисларининг колхоз ва совхозлар ишининг бирон бир масалаларига бағишланган докладларини эшитиш тўғри бўлур эди».

Ўртоқ Адамовичнинг хатида икки масала кўтарилганки, буларга эътибор бермаслик мумкин эмас.

Биринчидан, ўртоқ Адамовичнинг айтишича, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари билан бир қаторда, илгаригидек колхоз раисларининг ва совхоз директорларининг хўжалик масалаларига бағишланган кенгашларини тез-тез чақиряптилар, ишлаб чиқариш бошқармаси ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни муҳокама қилишга уринмоқдалар.

Хўш, натижада нима бўляпти? Аввал колхоз раисининг докладини ишлаб чиқариш бошқармасида эшитмоқдалар, сўнгра эса худди шу масала бўйича уни район партия комитетига ва район ижроия комитетига чақирмоқдалар.

Партия, бошқаришнинг янги органларини улар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалаларини бевосита колхоз ва совхозларнинг ўзида ҳал қилсинлар, деган мақсадда тузди. Шунга қарамай баъзи район комитетлари бу органларни бюрократик устқурмага айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса раҳбарлик принципларини бузишдир. партиянинг қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш масалаларига оид қарорларини тушунмасликдир.

Ўртоқ Адамовичнинг хатида иккинчи бир масала ҳам бор. У бошқарма бошлиқларининг докладларини район комитетларининг пленумларида ва район ижроия комитетларининг сессияларида эшитишни таклиф қилмоқда. У шу билан бирга ҳатто бошқармаларнинг ходимлари райкомнинг бюросида ва район ижроия комитетининг мажлисида кўриб чиқиш учун район комитетларига ва район ижроия комитетларига қишлоқ хўжалиги юзасидан материаллар тайёрлаб берсинлар, деган масалани ҳам ўртага қўяди.

Бундай нуқтаи назар мутлақо нотўғридир. Партия Марказий Комитети қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қурар экан, ишлаб чиқариш бошқармаси бир ёки бир қанча районга хизмат қилишидан қатъи назар, район ташкилотларининг органи бўлмайди, деб таъкидлаган эди.

Ўртоқ Адамович айтаётган йўлга ўтадиган бўлсак, у вақтда биз ишлаб чиқариш бошқармаларини йўққа чиқарган бўламиз, уларни район ижроия комитетларининг собиқ ер органларига, район ташкилотларининг ёрдамчи идорасига айлантириб қўйган бўламиз. Бу ҳолда қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказилади. Партия Марказий Комитети бундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватламаслиги ўз-ўзидан тушунарлидир.

Келинг, ишлаб чиқариш бошқармалари билан район ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар масаласини аниқлаб олайлик.

Бизда ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия ташкилотчиси бор, район ижроия комитети ва район партия комитети бор. Районларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқларини ўз олдиларига чақириб, уларга: қани, қилган ишинг тўғрисида ҳисобот бер, деб гапиришлари тўғри бўладими?

Йўқ, улар нотўғри иш қилмоқдалар, уларнинг ишлари партиянинг ишлаб чиқариш бошқармаларини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ва уларнинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги масъулиятини оширишга қаратилган йўлига зиддир.

Партия Марказий Комитетининг, колхоз, совхоз ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи асосий ва бирдан-бир орган — ишлаб чиқариш бошқармасидир, деган қарорини қатъий суратда таъкидлаб айтишгина эмас, балки амалга ошириш лозим. Ишлаб чиқариш бошқармаси районда ҳеч кимга бўйсунмайди, юқори органлар — область, ўлка, республика партия ва совет органларидан бошқа органларга ҳисоб бермайди. Район партия комитетлари ҳам, район ижроия комитетлари ҳам ишлаб чиқариш бошқармаларининг ишига аралашмасликлари керак. Буни сира эсдан чиқмайдиган қилиб, уқиб олиш керак.

Агар биз, ўртоқлар, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш масаласида жойларда қўшҳокимиятчиликка йўл қўйсак, агар ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш вазифасини бошқармалар зиммасига ҳам, район ташкилотлари зиммасига ҳам юклайдиган бўлсак, у ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аҳволи учун жавоб берадиган кишилар топилмай қолади. Район комитетлари ва район ижроия комитетлари қишлоқ хўжалигини бошқарувчи органларга эга эмасликларини биласиз. Ишлаб чиқариш бошқармаси қишлоқ хўжалигини бошқариш учун юқори малакали аппаратга — бошқарманинг бошлиғига, область комитети, ўлка комитети ёки Марказий Комитетнинг партия ташкилотчисига, бир группа мутахассислар билан бирликда бош агрономга, бир группа инженерлар билан бирга бош инженерга, зоотехникка, планлаштириш бўйича мутахассисларга, ташкилотчи-инспекторларга, комсомол ташкилотчисига эгадир. Бу ходимлар кимга бўйсунадилар? Ишлаб чиқариш бошқармасига бўйсунадилар. Улар кимлар олдида ҳисоб берадилар? Район ташкилотлари олдида эмас, балки ишлаб чиқариш бошқармаси олдида ҳисоб берадилар. Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларига ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш йўлини ким кўрсатиб туриши керак? Бу йўлни Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари ишлаб чиқариш бошқармаларидаги ўз партия ташкилотчилари орқали кўрсатиб туришлари лозим. Буни, ўртоқлар, уқиб олиш керак. Бусиз хўжаликка тўғри раҳбарлик қилиб бўлмайди. Бусиз мунтазам раҳбарлик ҳам, мунтазам иш ҳам бўлмайди. **(Қарсаклар).**

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари — бошқарма бошлиғи, партия ташкилотчиси, комсомол ташкилотчиси, ташкилотчи-инспекторлар ва бошқалар — колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини бошқарувчи асосий кадрлардир. улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ўз ролларини бажаришлари лозим.

Ҳозир, ўртоқ райком секретарлари, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини кенгашлар ўтказиш билан бошқариб бўлмайди. У босқич, агар буни шундай деб аташ мумкин бўлса, ўтиб кетди. Фақат кенгашлар ўтказиш орқали раҳбарлик қилишга уриниш — масъулиятсизликнинг оқибатидир.

Ҳозир бизда ишлаб чиқариш бошқармалари тузилган. Ишлаб чиқариш бошқармаларида ташкилотчи-инспекторлар бор. Буларга маълум колхоз ва совхозлар бириктириб берилган. Ташкилотчи-инспекторлар ишлаб чиқаришнинг аҳволи учун жавобгардирлар.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг аҳволи учун аввало совхоз директорларининг ўзлари, колхозларнинг раислари ва правлениелари жавоб берадилар, бундан ташқари ташкилотчи-инспектор ҳам ишлаб чиқариш бошқармаси олдида жавоб беради.

Шунинг учун, такрор айтаман, энди баъзан қуруқ маҳмадонагарчиликдан бошқа иш бўлмайдиган кенгашлар орқали раҳбарлик қилиш керак эмас. Колхоз ва совхозларнинг ўзига бориш керак ҳамда ишлаб чиқаришда директор, агроном, колхоз правлениеси билан биргаликда аҳволни чуқур ўрганиш, ишлаб чиқаришни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган қилиб ташкил қилиш лозим. Бунда мен, ишлаб чиқаришни ўстиришни, маҳсулот таннархини камайтиришни ва сифатини яхшилашни, меҳнат сарфини камайтиришни кўзда тутяпман.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши масалаларида умуман гап сотиш беҳуда ишдир. Амалда эса: кенгашаман, тинглайман, лекин айтилганларни бажаришим ҳам, бажармаслигим ҳам мумкин, қабилида иш қилиняпти. Ҳозиргача бизнинг қишлоқ хўжалигимизда янгиликлар ишлаб чиқаришга қандай жорий қилинаётганлигини текширадиган аппарат бўлмаган.

Партия Марказий Комитети бундай масъулиятсизликка хотима беришни истайди ва шу сабабли, ҳар бир колхоз ва совхознинг иши учун бирор кимсачи масъул қилиб қўйиш мақсадида, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янада аниқроқ ташкилий структурасини қабул қилди.

Район партия комитетларининг секретарлари: агар район комитети ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишга аралашмаса, у ҳолда нима иш билан шуғулланади? деб сўрашлари мумкин. Бу қонуний ва тўғри саволдир. **(Залда жонланиш).**

Ҳозирги шаклда мавжуд районлар ўтиш даврига хос ҳодисадир, деб аниқ айтиш керакка ўхшайди. **(Залда жонланиш. Давомли қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги структурасини қабул қилган вақтида биз яқин келажакда район маъмурий бўлиниши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш зарурлигини билган эдик. Лекин ўша вақтда узил-кесил қарор қабул қилиш мумкин эмас эди. Экиш бошланаётган эди, ҳали ишлаб чиқариш бошқармалари тузилмаган эди. Район партия комитетларининг ва район ижроия комитетларининг ўша даврда, энг масъулиятли пайтда ишини чалкаштириб юбориш бўлур эди.

Ишлаб чиқариш бошқармалари, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари худди кутилганидек, экишни яхши уюштирдилар. Ҳозир биз қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш даврига қадам қўйяпмиз. Сўнгра кузги экиш палласи бошланади. Қишлоқ хўжалигидаги бу энг муҳим ишларни уюшқоқлик билан ўтказиш лозим.

Хўш, бундан кейин нима қилмоқчимиз?

Биз бу масала хусусида КПСС Марказий Комитетининг Президиумида маслаҳатлашиб, ҳозир мана бундай қарор қабул қилиш учун шароит етилди, деган хулосага келдик: эҳтимол, район партия комитетларининг биринчи секретарларини область, ўлка комитетининг ёки Марказий Комитетнинг ўзи секретарь бўлиб ишлаётган районлардаги колхоз ва совхозлар бўйича ишлаб-чиқариш бошқармасида партия ташкилотчисининг ўринбосарлари қилиб тасдиқлаш лозим бўлар. У ҳолда район партия комитетлари ўзларининг биринчи секретарлари орқали ўзларига керакли ўринни эгаллаб оладилар. **(Давомли қарсаклар).** У ҳолда кимкимга бўйсуниши керак, деган мунозара ҳам бўлмайди. **(Залда жонланиш).**

Партия ташкилотчиларига қараганда кучлироқ бўлган ва тайёргарлиги яхши бўлган райком секретарларини партия ташкилотчилари қилиб олиш ва тасдиқлаш, заифроқ партия ташкилотчисини ҳозир ҳам ўринбосар қилиб қўйиш мумкин. Қисқаси, ҳамма гап қандай одам назарда тутилаётганлигига ва у ёки бу ходимнинг қанчалик малакага эга эканлигига боғлиқдир. Лекин белгиланган йўл аниқ — ишлаб чиқариш бошқармаларини мустаҳкамлаш, партия ташкилотчиларининг ролини ошириш керак. партия ташкилотчиси колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг фаолиятини ишлаб чиқаришнинг энг зарур масалаларини ҳал қилишга қаратишлари лозимлигини эсда тутиш керак.

Бундан буён маъмурий районларни, тахминан, ишлаб чиқариш бошқармаси доирасида йириклаштириш йўлидан бориш маъқулдир.

Нима учун бундай қилиш керак? Маълумки, революциядан бурунги Россияда маъмурий бўлиниш қишлоқ, волост, уезд, губерня тартибида эди. Ўша вақтда қишлоқда қандай ҳокимият органлари бор эди, бу органлар кимлардан иборат эди? Оқсоқолдан, солиқ йиғувчилардан иборат эди. Сўнгра волост бор эди. Волостда старшина, мирза ва бошқалар бўлар эди. Уларнинг лавозимларини билмайман, чунки умримда волостда бир марта бўлганман. Унда ҳам қишлоқдан чиқиб кетиш учун паспорт сўраб борган эдим.

Революциядан кейин ҳам бирмунча вақтгача ўша маъмурий бўлиниш сақланиб қолди. Қишлоқда қишлоқ совети, волостда эса волост совети ҳокимият органи бўлиб қолди.

Сўнгра районлар системаси жорий қилинди.

Ҳозирги район волостдан каттадир. Районлараро ишлаб чиқариш бошқармаси эса, тахминан, илгариги уезд территориясига тенгдир. Мен илгариги Димитриев уезди территорияя жиҳатидан ҳозирги ишлаб чиқариш бошқармасига қанчалик тўғри келишини аниқлаш учун Курск область, Димитриев районы бўйича маълумот беришларини илтимос қилдим. Революциядан бурун Калиновка қишлоғи Ольховск волостига кирар эди. У жой Калиновка қишлоғидан 12 чақирим масофада. Ҳозир эса Калиновка Хомутовск районига киритилган. бу районнинг маркази Калиновкадан 4 чақирим масофададир. Нима учун Ольховка эмас, балки Хомутовка район маркази бўлиб қолди? Шунинг учунки, Хомутовкада помешчикнинг қўрғони бор бўлиб, унда яхши бинолар бор эди. Шунинг учун ҳам Хомутовка район маркази бўлиб қолди.

Мен революциядан кейин бу ерга борганимда фақат помешчикнинг қўрғонини кўрдим, холос, бошқа ҳамма нарса бузиб ташланган эди. Ваҳоланки, бу ерда жуда яхши отхоналар, кашарлар бор эди. қўрғон ғишт девор билан ўраб олинган эди. Ҳеч қандай техника ишлатмасдан бу биноларнинг ғиштларини олиб кетибдилар. **(Хушчақчақ жонланиш).**

Ҳозирги район тахминан эски ташкилий структурадаги 2-4 волостга тўғри келади. Ўша вақтда Димитриевск уезди бор эди. Унда 318 минг гектар ер бор эди. Ҳозир ўша уезднинг территориясини ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш бошқармасида 447 минг гектар ер бор.

Юқорида айтиб ўтилганидек, революциядан кейин бизда эски маъмурий бўлиниш сақланиб қолди. Сўнгра кичик-кичик районлар туздилар. Бу ўша вақтда ўтказилган тўғри тадбир эди. Қишлоқдаги кадрлар заиф эди. Алоқа воситалари, ҳатто телефон ҳам йўқ эди. Асосан пиёда ва отлиқ алоқа қилинар эди. Ўша вақтда мен Донбассдаги Марьинский райкомнинг секретари эдим. Бизнинг бутун транспортимиз битта отдан иборат эди холос. Қишлоқ советларининг баъзиларидагина телефон бор эди. Автомашиналарни эса хаёлимизга ҳам келтира олмас эдик, агар кимдир бу тўғрида ўйласа бу буржуа сарқити деб айтар эдик. **(Залда жонланиш).** Ҳўкиз, от — ўша вақтнинг транспорт ва алоқа воситаси эди. Шунинг учун катта районга хизмат қилиш қийин эди. Ўша шароитда йириклашган районлар тузиш йўлидан бориш мумкин эмас эди. Кейин биз колхозлар туздик, лекин колхозлар майда, тарқоқ эди.

Мен, бир вақтлар Москва областидаги бир колхоз ҳақида гапирган эдим. Унда бор-йўғи олтита кампир ишласа ҳам, унинг «Босқинчиларга жавоб» деган дабдабали номи бор эди. **(Залда жонланиш).**

Мен Украинадан Москвага ишга келганимда, Москва областида бир неча минг майда колхозлар бор эди.

Овозлар. Олти минг колхоз бор эди.

Н. С. Хрушчев. Бу колхозларда 1 миллион 250 минг гектар ҳайдаладиган ер бор эди. Ўша вақтда ҳар бир колхозга ўрта ҳисобда 196 гектар экинзор, 39 бош қорамол, 14 сигир, 23 чўчқа ва 38 та қўй тўғри келар эди.

Сизларга маълумки, кейин биз колхозларни йириклаштирдик, уларни кадрлар, техника билан жуда мустаҳкамладик. Сўнгра мамлакатда юксакроқ техника базасида яна бир марта колхозлар йириклаштирилди. Йириклаштиришдан кейин баъзи областларда — Кубанда, Ставрополда, Ростов областида — бир-икки колхоздан иборат районлар вужудга келди. Бундай шароитда майда районлардан иборат маъмурий бўлиниш ўз аҳамиятини йўқотиб қўйиши равшан эмасми. Бундай районда ҳар бир ишлаб чиқариш бирлигига, бир ишловчига етти эмас, балки икки юз тишловчи тўғри келса керак. **(Залда жонланиш).** Мутлақо равшанки, районлаштириш ҳозир ўз даврини кечириб бўлди. Ҳозирги замон алоқа воситалари йириклаштирилган районларнинг эҳтиёжларига жавоб беради. Ҳозир ҳар бир районда телефон, телеграф бўлса керак. Телефон эса албатта бор. Радио алоқаси ҳам бор. Менимча, телефон кўпчилик қишлоқ советларида бор.

Овозлар. Ҳамма қишлоқ советларида телефон бор.

Н. С. Хрушчев. Район ташкилотларида бир неча автомашина бор.

Овозлар. Автомашиналар кам.

Н. С. Хрушчев. Автомашиналарни-ку кам деяпсиз, районларингиз гўштни кўп беряптими? **(Залда жонланиш).**

Йўллар ҳозир илгаригидан анча яхши. Ҳамма томонга автобуслар қатнаб турибди. Мотоцикл ҳам кўп. Районлар ўртасида самолётлар қатнови кенгаймоқда. Қисқаси, ҳозирги алоқа воситаларини илгариги алоқа воситаларига асло таққослаб бўлмайди. Шундай қилиб бизда районларни йириклаштириш учун реал имкониятлар вужудга келди. Афтидан, ишлаб чиқариш бошқармалари область, ўлка, республиканинг янги маъмурий бўлинишининг асоси бўлиб қолса керак. **(Давомли қарсаклар).**

Масаланинг моҳиятини олиб қарасак, унинг моҳияти — ишлаб чиқаришдир; колхозлар ва совхозлар ишлаб чиқаришини бошқаришни район ихтиёридан олгандан кейин районда нима қолади? Районда касалхоналар, почта, йўл бўлими ва бошқалар қолади. Бизда касалхоналар район соғлиқни сақлаш бўлимига бўйсунади; афтидан бу ўйлаб топилган идора бўлса керак. Район соғлиқни сақлаш бўлимининг нима кераги бор, касалхонада яхши бош врач бўлса бас, ана шунинг ўзи район соғлиқни сақлаш бўлимидир. **(Қарсаклар).** Касалларни район соғлиқни сақлаш бўлими эмас, врач даволайди-ку, ахир. Район соғлиқни сақлаш бўлимидаги бир неча ходим ўрнига, қўшимча бир неча врач бўлиши фойдалироқдир. **(Қарсаклар).** Хўш, кичкинагина районда йўл бўлими керакми? Менимча, йириклаштирилган районда яхши йўл бошқармаси тузсак маъқулроқ бўлади, у ҳолда техника бир жойда тўпланади, ундан яхши фойдаланиш имконияти туғилади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозирги йўл қурилиши — эски вақтдаги йўл қурилиши эмас; у вақтда оқсоқол юзбоши билан деразани тақиллатиб; ҳей, йўлни тузатишга чиқ, дер эди. Шунда уйнинг эгаси бўйнини қашиб: йўлни тузатишга чиқсаммикин ёки чиқмасаммикин, деб ўйлаб қолар эди. **(Залда жонланиш).**

Ҳозир эса колхоз раиси, колхоз правлениеси, совхоз директори агар йўл тузатилмаса машиналарнинг тезлиги яхши йўлларда юрувчи машиналарга қараганда бир неча марта кам бўлишини билади; улар йўлларни тузатишлари ва қуришлари лозим. Мабодо йўлни тузатмасалар, унда раҳбарнинг ўзини тузатиш лозим бўлиб қолади. Чунки, у ёмон ишлаётган бўлади. **(Залда жонланиш).**

Шунинг учун районда бошқарувга оид ҳамма масалалар бошқача ҳал қилиниши лозим. Шундай бўлиши табиий.

Бизда фақат экономика эмас, омманинг социалистик онги ҳам ўсди. Бизда ҳозир тасодифий социалистик куртаклар эмас, балки мустаҳкам социалистик муносабатлар бор. Колхоз ва совхозларда шу йиллар ичида жуда кўп малакали кадрлар ўсиб етишди. Қишлоқдаги мавжуд барча восита ва имкониятлардан тўғри фойдаланилса, ҳозирги шароитда жуда катта натижаларга эришиш мумкин.

Ҳамма нарса шундан далолат берадики, биз ҳозир йириклаштирилган маъмурий районлар тузиш йўлига ўтишимиз мумкин. Баъзи ўртоқлар: хўш, бу нимаси, район ўша, ўша схема, фақат йириклаштирилган холдаги районнинг ўзи, хўжаали, алихўжа эмасми? — дейишлари мумкин. Йўқ, бундай эмас.

Биз Марказий Комитет Президиумида маслаҳатлашиб кўрдик. Республикалар, ўлкалар, областларнинг ходимлари билан, район партия комитетларининг секретарлари билан маслаҳатлашиб кўрамиз ва область, ўлка ҳамда республикаларнинг янги маъмурий бўлинишини жорий қилиш вақтида ҳамма тўғри мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга оламиз, бу ишни қандай қилиб яхши ташкил қилишни ҳал этамиз. Йириклаштирилган районлар, қоида тариқасида ишлаб чиқариш бошқармаларининг кўламида тузилса керак. Баъзи жойларда ўзгаришлар қилишга тўғри келар. Бироқ, маъмурий бўлиниш қандай бўлса ҳам, барибир қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг ишлаб чиқариш принципи сақлаб қолиниши лозим. **(Қарсаклар).**

Агар саноатга таққослайдиган бўлсак, ишлаб чиқариш бошқармаси ўзига хос халқ хўжалик кенгаши — хўжаликларнинг муайян группаси учун халқ хўжалик кенгаши бўлиши керак. Ишлаб чиқариш бошқармаси учун қабул қилган схемамиз бузилмаслиги лозим. Ишлаб чиқариш бошқармалари бутун чоралар билан мустаҳкамланиши лозим. Саноат ишлаб чиқаришини митинглар ўтказиш билан бошқариш мумкин бўлмаганидек, қишлоқ хўжалигини ҳам фақат митинглар орқали, радио орқали бошқариш мумкин эмас.

Колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишда ишлаб чиқариш бошқармаларининг роли ва ўрни тўғрисидаги баъзи мулоҳазалар ана шундан иборат.

(Давоми учинчи бетда).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда)

ХЎЖАЛИКНИ МОҲИРЛИК БИЛАН ЮРИТАЙЛИК, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭКОНОМИКАСИНИ ЧУҚУРРОҚ ЎРГАНАЙЛИК

Ўртоқлар! Партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги органларини тузар экан, хўжаликни янада моҳирлик билан юритиш, ишлаб чиқариш экономикасини чуқур ўрганиш, ҳар бир колхоз ва совхоздаги резервлардан тўлароқ фойдаланиш вазифасини ўртага қўяди.

Тўғридан-тўғри айтиш керакки, ҳатто илғор хўжаликларда ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда, маҳсулот бирлиги учун сарфланадиган харажатларни камайтириш учун етарлича қатъият билан иш олиб борилмайди. Бу ерда, эҳтимол, Москва область, Ульяновск районидаги Владимир Ильич номли колхознинг раиси Иван Андреевич Буянов ўтиргандир.

Овозлар. У бугун йўқ, касал.

Н. С. Хрушчев. Афсус, ишқилиб тезроқ тузалсин.

Шу колхоз ҳақида гапирмоқчиман. У яхши хўжаликлардан, колхознинг раиси ўртоқ Буянов эса бир неча бор мукофотланган.

Овозлар. У икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Н. С. Хрушчев. Икки марта қаҳрамон бўлиш—жуда юксак мукофот. Лекин имкониятлардан фойдаланиш маъносида бу колхозда ҳам ҳамма ишлар жойида деб бўлмайди.

Харид баҳоларини ошириш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин ўртоқ Буянов мақола ёзди ва, албатта, ҳукуматни қўллаб-қувватлади. Бундан мен таажжубланмайман, чунки бошқа колхозларнинг раҳбарлари каби ўртоқ Буянов ҳам харид нархлари оширилганда ҳаммавақт бундан мамнун бўлади. **(Залда жонланиш).** Ўртоқ Буянов ўз мақоласида, колхозда сут етиштириш ўзини оқламайди, деб ёзади. Мен бу мақолани икки марта ўқиб чиқдим, бундай колхозда сут етиштиришнинг зарар келтиришига ишонгим келмади. Шундан кейин КПСС Москва комитетининг секретари ўртоқ Абрамовдан бу колхозда сут хўжалиги қандай ташкил этилганлиги тўғрисида менга маълумот беришни сўрадим. Дарҳақиқат, бу колхозда сут етиштириш ўз харажатларини қопламас экан. Бироқ, нима учун қопламайди деган савол туғилади.

Баъзи бир фактларни келтираман. Колхозда сигирларнинг ҳаммаси 4 та сут-товар фермаларида боқилади. Соғиладиган сигирлар подасига 65 киши қарайди, шу жумладан 21 та сут соғувчи, 16 та молбоқар, 11 та хашак тайёрловчи, 7 та чўпон, 4 та ферма мудири, 3 та сутни ҳисобга олувчи ва 3 та қоровул ишлайди.

Сут соғувчилар ҳам бор, сутни ҳисобга олувчилар ҳам бор. Хўш, сут соғувчилар ёки ферма мудирлари ўзлари сутни ҳисобга ололмайдиларми? Колхозда 21 та сут соғувчи ишлайди, улар билан бирга сигирлар теварагида 3 та ҳисобчи ўралишиб юради. Бу ҳисобчиларнинг ўзлари ҳеч нарса етиштирмайдилар, фақат сутни ҳисобга оладилар, холос. Бу қандай гап? Бу инсон куч-ғайратини исроф қилишдир. Биз шу тариқа фақат ишёқмасларнигина кўпайтирамиз, бу ишёқмасларнинг қўли ишга бормайди ва улар бекорчиликдан ичкиликбозликка берилиб кетишлари мумкин.

Бир сут соғувчига ўрта ҳисобда 22 та сигир тўғри келса, сут чорвачилигида ишлайдиган битта колхозчига фақат 7 та сигир тўғри келади. Владимир Ильич номидаги колхозда бир сут соғувчи 22 та сигирни соғиб олади. Бир қанча бошқа хўжаликларда эса «арча» усулидаги установкада ҳар бир сут соғувчи 100 та ва ҳатто 150 та сигирни соғади, айланма установкада эса сут соғувчи 200 та ва ундан ҳам кўпроқ сигирни соғиб олади.

Фермаларда оғир меҳнат процессларини механизациялаштиришнинг паст даражада бўлганлиги ва ходимлар сонининг кўплиги маҳсулот бирлигига кетадиган меҳнат сарфининг кўпайишига олиб боради.

Колхозда кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар асосий ем-хашак базасини ташкил этади. Бу ўтлар 1961 йилда ҳайдаладиган ер майдонининг 40 процентини эгаллаган, бунда ҳар гектардан ем бўладиган кўп йиллик ўтдан 32 центнер, бир йиллик ўтдан 26 центнердан озуқа олинган. Айни вақтда қанд лавлаги атиги 20 гектар ерга экилиб, унинг ҳосили 261 центнерни ташкил этган.

Ўтган йили колхозда силос учун ҳар гектаридан 249 центнердан маккажўхори олинган, бу йил эса гектаридан 300 центнердан олиш мўлжалланмоқда. Бу, албатта, бутун Москва областидагига қараганда кўпроқдир, лекин илғор колхоз учун бундай ҳосил жуда камлик қилади.

Шундай экан, ем-хашак қандай қилиб арзонга тушсин, сут қандай қилиб арзонга тушсин?

Етиштирилган ем-хашакнинг миқдори, оқибат натижада, гўшт ва сутнинг миқдорини белгилайди. Москва областини олиб кўрайлик. Бу ерда маккажўхоридан гектарига 70 центнердан 700 центнергача ҳосил олинади. Бундай тафовутнинг сабаби тупроқнинг ҳар хиллигида, иқлим шароитларининг хилма-хиллигида эмас, балки маккажўхорини парвариш қиладиган кишиларнинг жонкуярлиги ва моҳирлигига боғлиқдир. Албатта, гектаридан 70-100 центнердан сўтасиз силос массаси оладиган хўжаликларда ва 500-700 центнердан сўтали маккажўхори ҳосили оладиган хўжаликларда гўшт ва сутнинг қиймати ўшанга яраша хилма-хил бўлади. Шундай қилиб, меҳнатни ташкил қилиш, экинни парвариш қилиш, ем-хашак етиштириш масалалари — чорвачиликнинг асосини ташкил этади, мен бу ерда чорва молларининг зоти тўғрисида гапириб ўтирмайман. Биз сутнинг мойлилигини ошириш усулини ишга солишимиз керак. Бу соҳада академик Т. Д. Лисенко ишлаб турган «Горки Ленинские» намуна кўрсатмоқда. Бу хўжаликда сутнинг мойлилиги 5,2 процентни ташкил этади.

Ҳар бир колхоз ва совхоздаги, ҳар бир хўжалик тармоғидаги —, дон, ем-хашак етиштириш ,чорвани боқиб семиртириш тармоқларидаги ишнинг аҳволини текшириб чиқиш, ҳамма нарсани, ташкилотчиликнинг қандай даражада эканлигини, қаерда ортиқча одам ишлаётганини, қаерда ортиқча меҳнат сарфланаётганлигини конкрет кўриб чиқиш, ортиқчаликларни йўқотиш, ишлаб чиқариш манфаатлари қанча одамни талаб қилса, шунча одам қолдириш лозим. Ташкилотчи инспекторлар, ишлаб чиқариш бошқармаларининг барча ходимлари ҳар 100 гектар ерга тўғри келадиган чорванинг ва биринчи галда сигирларнинг сонини оширишга алоҳида эътибор беришлари керак.

Бизда мана бундай мисоллар ҳам бор. Бир хўжаликда бир литр сут 5 тийинга, бошқа хўжаликда эса 20 тийинга тушади. Лекин бунда шароит бир хил бўлади. Фақат раҳбарликдагина, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнатни уюштириш даражасидагина фарқ бўлади.

Ўртоқлар, бир вақтлар заводларда, саноат тараққиёти масалаларини ҳал қилиш вақтида, Тейлор системаси тўғрисида кўп гаплар бўлганлиги сизларнинг ёдингизда бўлса керак. Биз бу системани ўргандик. Агар мисол тариқасида ер қазувчи олинадиган бўлса, ҳар сменада меҳнат унумдорлигини максимал даражага етказиш учун унинг қўлига қандай белкурак бериш керак? деб Тейлорнинг бош қотирганлиги менинг эсимда. Агар энг катта белкурак ишлатиладиган бўлса, у вақтда ер қазувчи тезда чарчаб қолади ва унинг меҳнат унумдорлиги пасаяди. Агар энг кичкина белкурак ишлатиладиган бўлса, меҳнат унуми ҳам кам бўлади. Тейлор системасига кўра ўртача ҳажмдаги белкуракни ишлатиш тавсия этилади. Бунда белкуракни ишлатганда ер қазувчи жуда юқори меҳнат унумдорлигига эришиши исбот этилади.

Ёки слесарнинг ишини олиб кўринг. Ортиқча ҳаракат қилинмаслиги учун асбобларни қаерга қўйиш, эговни, болғани, зубилани ва слесарга керакли бўлган бошқа ишлаб чиқариш қуролларини қаерга қўйиш кераклиги муҳим масаладир. Уларнинг ҳаммасини пухта ўйлаб кўриш керак бўлади.

Тўқимачиларни — тўқувчи ёки йигирувчини олиб кўринг. Уларнинг меҳнатини ташкил қилиш процессларида ҳам ҳамма нарса пухта ўйлаб кўрилиши керак. Агар технология нотўғри ишлаб чиқилган бўлса, меҳнат унумдорлиги паст бўлади. Худди саноатдаги каби қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам бу масалалар катта аҳамиятга эга.

Бир вақтлар бизнинг олимларимиз колхозларга сигирларни занжирга боғлаб боқишни тавсия қилган эдилар. Хўш, меҳнат унумдорлигига бу нарсанинг алоқаси йўқ деб ўйлайсизми? Сигирни боғлаб қўйиш ёки ечиб юбориш учун қанча вақт керак бўлади? Ёки мана бу нарсага қаранг: бузоқ сут ичиб бўлгандан кейин унинг лабларини салфетка билан артишни ўйлаб чиққанлар. Бу нарсани таклиф қилган кишининг ўзи ёши 30 га етганда лабини салфетка билан артишга ақли етган бўлса керакки, бузоқнинг лабларини артишни тавсия қилибди. **(Залда жонланиш).**

Буларнинг ҳаммаси ортиқча меҳнат, ортиқча ҳаракат бўлиб, бора-бора маҳсулот таннархига таъсир қилади. Бир киши қилиши мумкин бўлган ишни бизда кўпинча уч киши бажаради. Ишлаб чиқариш бошқармалари худди шу меҳнатни ташкил қилиш ишида тартиб ўрнатишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Калиновка қишлоғидаги колхоз тўғрисида гапириб ўтилган эди. Колхозда мол гўшти етиштириш ҳам, қўй гўшти етиштириш ҳам, сут етиштириш ҳам даромад келтиради. Ана энди бу фарққа қаранг: Калиновкада чорвачилик фойда келтиради, бошқа кўпгина хўжаликларда эса зарар келтиради.

Менинг фикримча, ҳамма сир ишлаб чиқаришни ташкил этишдадир. Хомутов районида Калиновка каби колхозлар, афсуски, кам. Ахир у ерда район партия комитети, район ижроия комитети борку. Лекин район раҳбарлари чамаси ишлаб чиқаришни чуқур билишни одат қилмаганга ўхшайдилар. Бир вақтлар мен район партия комитетига—Калиновка тажрибасини ўрганиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан шуғулланингиз, деб маслаҳат берган эдим. Аммо тажриба алмашиш бизда баъзан кенгашларда сафсатабозлик қилишдан иборат бўлиб қолади. Лекин бунда гап сотиш эмас, балки фермага бориб, унинг тажрибасини батафсил ўрганиш, бошқа фермалар учун таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда бу таклифларнинг бошқа хўжаликларда ишлаб чиқаришга жорий қилинишини таъминлаш лозим.

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари гўштни жуда арзон етиштирадиган хўжаликларни ўрганиб, гўштнинг таннархи нималардан ҳосил бўлишини, ем-хашакнинг структурасини ва таннархини, меҳнат сарфларини ва ҳоказоларни аниқлашлари керак. Илғор хўжаликдаги энг яхши тажрибаларни бошқа колхоз ва совхозларга ёйиш керак. Бу — ишлаб чиқариш бошқармаларининг бурчи ва вазифасидир.

Мисол учун паррандачилик тармоғини олиб кўрайлик. Биз йирик паррандачилик фабрикалари ташкил қилиш йўлидан боришимиз керак. Бизда бундай фабрикалар бор, лекин улар ҳали оз. Одатда бизнинг паррандачиларимиз Америка паррандачилигини андаза қилиб оладилар. Шундай қилиш керак. Аммо ўз тажрибамиздан ҳам яхшироқ фойдаланиш лозим. Америка паррандачилари бизнинг мамлакатимизга келиб, фабрикаларимизни кўриб чиққанларидан кейин бу фабрикаларимиз тажрибасига юқори баҳо бердилар. Йирик паррандачилик фабрикаларида ҳамма ишлар механизациялаштирилган, автоматлаштирилган. Шундай бўлиши ҳам керак.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат йирик паррандачилик фабрикалари қуришни авж олдириб юбориш зарурлигини эътироф этдилар. Бу фабрикаларни истеъмолчига яқинлаштириш керак. Юзлаб километр масофадан тухум ва парранда гўшти келтиришдан кўра ем-хашакни паррандачилик фабрикасига келтириш фойдалироқдир.

Сутни қайта ишлаш ишини яхшилаш зарурлиги тўғрисида гапирмоқчиман. Сут, ёғ, пишлоқ заводлари халқ хўжалиги кенгашлари ихтиёридадир. Бироқ, кўп районлар, айниқса, қўриқ ерлардаги районлар зарур бўлган базага эга эмаслар. Сутнинг кўп қисми бузилиб қолади. Ёғи олинмаган сут топширадиган совхоз ва колхозларга бундай сутдан сариёғ олиш ҳуқуқини бериш керак. Ана ўшанда сутни ташиб юриш учун ҳожат қолмайди, у ферманинг ёнгинасида қайта ишланади. Сут маҳсулотларининг чиқиндисидан хўжаликнинг ўзида фойдаланилади. Сут қабул қилиб оладиган майда пунктлар қайси колхоз ёки совхоз территориясида жойлашган бўлса, бу пунктларни ўша колхоз ёки совхозга топшириш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Сут пунктлари ва сут заводларига соф виждонли ходимларни танлаб олиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Маълумки, ишда шарманда бўлган ишёқмаслар ўзларини сут заводларига ишга жойлаштиришни сўрайдилар. **(Залда кулги).** Улар бу заводларда бир-икки йил ишлаб уй қуриб оладилар, қурганда ҳам албатта ўз маошларига қурмайдилар, эҳтимол, ёғ, сут заводида ишлаётган кишига сингиш хусусиятига эга бўлса керак. Бу ишда тартиб ўрнатиш лозим.

Ўртоқлар! Биз ишлаб чиқариш бошқармаларини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг раҳбарларининг эътиборини маҳкамачилик-бюрократик иш методларига қарши қатъий кураш олиб боришга қаратишимиз лозим. Афсуски, ишга бюрократик муносабатда бўлиш фактлари янги бошқариш органларида ҳам учраб турибди.

Партия Марказий Комитетига районлараро бошқармаларнинг биридаги нотўғри хатти-ҳаракатлар тўғрисида хат келди. Горький областидаги Городецк ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбарлари — парторг ва бошлиқ ўринбосари Чкалов район партия комитетининг секретари номига қуйидаги мазмунда телеграмма юборганлар: «Қанд лавлаги плантацияларида ер қатқалоқ бўлиб қолган, экинларни ёввойи ўт босиб кетган, ҳашаротлар экинни батамом нобуд қилганлиги аниқланган. Экинни парвариш қилишни дарҳол уюштиринг, экин батамом нобуд бўлган бўлса лавлагини қайта экишни ташкил қилингиз. Бросалов, Погодин». Ўртоқлар, бу бутунлай бошни айлантириш деган сўз. **(Залда кулги).**

Бошқарма раҳбарларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш воситаларининг ҳаммаси колхоз ва совхозларда эканлиги равшан эмасми, ахир. Бу ҳашаротларга қарши курашни ким ташкил қилиши керак? Колхоз ва совхозларда ишлаётган кишилар ташкил қилиши керак. Плантациялардаги ҳашаротларни қувиб юриш учун врачлар, ўқитувчиларни судраб олиб келиб бўлмайди-ку. **(Залда кулги).** Райкомга юборилган мана шунақа директив телеграмма авторлари бўлган раҳбарларнинг ўзини ҳашаротларга талатиш ёмон бўлмасди! **(Залда кулги).**

Бу кишиларга ўз вазифаларини, ўзларига топширилган иш учун масъулиятларини тўғри тушунишда ёрдам бериш керак. Бошқарма раҳбарларининг ўз вазифаларини бунчалик нотўғри тушунишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Кишилар ўз вазифаларини тўғри тушунишлари керак, агар улар буни тушунмасалар уларни бошқа ходимлар билан алмаштириш лозим.

Бу кенгашимизда Горький область партия комитетининг секретари ўртоқ Ефремов ўтирибди. Мен ундан, бошқарманинг бу раҳбарларига нисбатан шундай қилинса тўғри бўладими, деб сўрамоқчиман!

Л. Н. Ефремов. Тўғри бўлади!

Н. С. Хрушчев. Область комитетининг секретари яхши ўртоқ, лекин шундай бўлса ҳам, областда қандай фактлар содир бўлаётганлигига қаранг.

Ёки бошқа бир мисол келтирай. Хабаровск ўлкасининг ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бошқармаси бир ой мобайнида ишлаб чиқариш бошқармаларига 300 та буйруқ, кўрсатма, инструкция юборган. Бундай раҳбарликдан ҳеч қандай фойда йўқ. Ҳозирги вақтда қоғозбозлик ишни ҳал қилиб бермайди, қоғозбозлик, аксинча, ишга кўпинча халал беради. Агар ана шу 300 та директиванинг ҳаммасига жойлардан жавоб ёза бошласалар, унда иш қилишга ҳам вақт қолмайди, агроном ва зоотехниклардан мутахассис сифатида эмас, балки котиб сифатида фойдаланилади. Мутахассисларни бундай аҳволга солиб қўйишнинг нима ҳожати бор? Улар маълумот олган кишилар, уларга катта иш топширилган, шундай экан, уларга ўз истеъдодларини кўрсатиш имконини бериш керак. Улар ёмон котиб бўлиб қолишлари мумкин. Лекин улардан яхши амалий иш ходимлари чиқади. Яхши котиб бўлиш бошқа-ю, ишлаб чиқаришнинг яхши ташкилотчиси бўлиш бошқа — булар мутлақо бошқа-бошқа нарсалардир. Албатта, ёзишни ҳам билиш керак, лекин яхши ёзадиган киши ҳамма вақт ҳам ишлаб чиқаришнинг яхши ташкилотчиси бўлавермайди. Бу — кишиларга хос турли хислатлардир.

Шунинг учун ҳам равшанки, биз ишлаб чиқариш бошқармаларида ишлаш учун ишлаб чиқаришни яхши биладиган, уни тўғри ташкил эта оладиган кишиларни танлаб олишимиз керак.

Ишлаб чиқариш бошқармаларига тажрибали мутахассислар, яхши ташкилотчилар танлаб олинган. Аммо, кадрлар танлашда нотўғри ишларга ҳам йўл қўйилган.

Мана бир факт. Саратов областининг Вольск бошқармасидаги ташкилотчи-инспектор вазифасига район партия комитетининг тавсияси билан ўртоқ Железнов тайинланган. У қишлоқ хўжалик соҳасида зарур бўлган тайёргарликка ва иш тажрибасига эга эмас, бунинг устига унинг ўзи ҳам бошқармада ишлашни хоҳламайди. Ўртоқ Железнов ўз хатида бундай дейди: «...маълум қилмоқчиманки, мен ихтисос жиҳатидан молия мутахассисиман, Сельхозбанк системасида ишлаганимда фақат молия ишлари туфайлигина қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланганман. Мен агрономия ва зоотехника масалаларини билмайман ва шунинг учун ҳам хўжалик раҳбарларига конкрет малакали ёрдам бера олмайман».

Ўртоқлар, кадрларни бундай танлаш ярамайди. Бундай кишидан фойда чиқмайди, албатта. Бу коммунист ва афтидан, соф виждонли киши, лекин сиз унга топширган ишни у билмайди. Бундай кишини ишга тайин қилсангиз, унинг иши юришмайди, шундан кейин сиз уни ишёқмас деб гап қиласиз. Бу адолатдан эмас, у киши ўзи биладиган ва яхши кўрадиган соҳада яхши ишлаши мумкин. Машҳур масалда айтилганидек, этикдўз нон ёпса-ю, новвой этик тикса иш пачава бўлади. Ходимлар танлаш ишига яхши қарайлик.

Яна бир мисол. Марий республикасидаги ишлаб чиқариш бошқармаларидан бирига ўртоқ Иванов ташкилотчи-инспектор қилиб тайинланган. Унинг қишлоқ хўжалигига ҳеч қандай алоқаси йўқ. У ҳеч қачон қишлоқ хўжалигида ишлаган эмас. Уни ишлаб чиқариш бошқармасига ДОСААФ район комитетидан олганлар. **(Залда кулги).** Хўш, қандай қилиб у қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ташкилотчи инспектори бўлади? У, эҳтимол, нишонга қараб отишни яхши уюштириши мумкин. **(Залда жонланиш).** Ўртоқлар, бу масалаларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқиш керак, ишга жиддий муносабатда бўлиш лозим. Марказий Комитетда ҳам ишлаб чиқариш бошқармаларига кадрлар танлаш ишининг аҳволини яна бир текшириб чиқишга тўғри келадиганга ўхшайди. Кадрлар танлаш ишига виждонан киришмаётган кишиларни тўғри йўлга солиш лозим.

Менинг қўлимда Украинадан, Ужгороддан келган хат бор. Унда: Закарпатия областининг ишлаб чиқариш бошқармалари нима учун кўпинча шаҳарларда жойлашган, деган ҳаққоний савол қўйилади. Конкрет фактлар келтирилади, область маркази бўлган Ужгородда ҳам бир бошқарма жойлашганлиги тўғрисида гапирилади. Хатда бошқармаларнинг шаҳарларда эмас, балки район марказларида, совхозлар ёки колхозларда жойлашиши учун областда барча шароитлар борлиги кўрсатилади. Асфальт устида қандай ишлаб чиқариш бўлиши мумкин? Ўзларингиз тезроқ ишлаб чиқаришга яқин жойларга кўчиб қолингиз, йўқса карнай-сурнай билан ўзимиз кўчириб қўямиз. **(Залда жонланиш).**

ФАН ЮТУҚЛАРИНИ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАЙЛИК

Илғор тажрибани жорий қилиш масаласи алоҳида эътибор қилиш керак бўлган масаладир. Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг асосий камчиликларидан бири шуки, биз колхоз ва совхозлар практикасида фан ютуқларидан ва илғор тажрибадан ёмон фойдаланмоқдамиз, фан кашф этган ва тажрибада синалган нарсаларни ғоят сусткашлик билан жорий қилмоқдамиз. Илғор тажрибани жорий қилиш ва илмий тавсияларни татбиқ этишни ҳеч ким ўз гарданига олгиси келмайди. Мен яқинда бир секретарь билан суҳбатлашдим. Уни койимоқчи эмасман. У яхши ўртоқ. Биз у билан маккажўхори силоси тўғрисида гаплашдик. Суҳбат вақтида у, силосда оқсил модда кам деб айтди. Мен унга маккажўхори силосини аммиак суви қўшиб тамли қилиш тўғрисида газеталарда босилиб чиққан мақолани ўқиб чиқдингизми деб сўраган эдим, у ўқиганим йўқ деб жавоб берди. Ахир шу темада марказий газеталарда бир неча мақола босилиб чиққан-ку. Мен бу ўртоқнинг фамилиясини айтиб ўтирмайман, у яқиндан буён секретарь бўлиб ишламоқда, мен унинг пайини қирқмоқчи ҳам эмасман. У томир отаверсин.

Шунингдек мен унга молларни аммиак суви билан тамли қилинган лавлаги турупи бериб боқишда Украина зоотехникларининг тажрибаси билан танишиш ҳақида маслаҳат бердим. Ўртоқ Ольшанский ва бошқа мутахассислар менга бу ҳақда гапириб бердилар. Улар, буни тажрибада синалган ва ишлаб чиқаришга жорий қилмоқ керак деб айтдилар.

Мен ҳозир кенгашда ўлтирганларнинг қайси бири шу тажриба тўғрисидаги мақолани ўқиганлиги ҳақида сўраб ўтирмайман, лекин ўйлайманки, сизларнинг орангизда ҳам шипга қараб, бу мақолани ўқиганманми, йўқми деб ўйлаётганлар топилади. Бунақаси кетмайди, ўртоқлар! **(Залда жонланиш).** Илғор тажриба ва фан ютуқлари тўғрисидаги материалларни ўқиб чиқишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Биргина ўқиб чиқишнинг ўзидан унча фойда йўқ. Бизда кишиларни ўргатиш, уларни матбуотда ёритилаётган янги тажрибалар билан таништириш керак. Бунинг қандай қилинишини тажрибада кўрсатиб бериш лозим.

Аммиак сувидан ва мочевинадан фойдаланиш масаласи катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва ишлаб чиқариш бошқармалари аммиак суви ва мочевинани қўлланиш тўғрисида мукаммал инструкция ишлаб чиқишлари лозим, колхоз ва совхозларда эса кишиларни аммиак суви ва мочевинадан практикада фойдаланиш усулларига ўргатиш керак, токи озуқанинг афзаллиги ошсин ҳамда чорва молларнинг заҳарланишига асло йўл қўйилмасин, хўжаликка зарар етказилмасин.

Моллар ва паррандаларни боқиш тўғрисидаги янги илмий маълумотлардан фойдаланишда ҳам кўп ишлар қилиш керак бўлади.

Америка Қўшма Штатларида жўжаларни озиқлантиришда ҳар бир килограмм гўшт ҳисобига 2,5-3 килограмм озуқа сарфланади. Бизда ҳар бир килограмм парранда гўшти етиштириш учун анча кўп озуқа сарф қилинади. Америкаликларда паррандаларни озиқлантиришдаги кўрсаткичларнинг бундай яхши бўлишига сабаб нима? Бу — фан ютуқларидан ишлаб чиқаришда тўғри фойдаланиш, жумладан, антибиотиклардан усталик билан фойдаланиш натижасидир, антибиотиклардан тўғри фойдаланилса парранда касалланмайди, тез ўсади. Озиқлантиришнинг тўғри ташкил қилиниши стимул берувчи воситаларни ўз ичига олади, емларни барча зарур озуқа моддалар билан тайёрлашни назарда тутади.

Бизда эса кўпчилик хўжаликларда бу ишларнинг ҳаммаси эски усул билан, кампир жўжалар кетидан қандай юришни ўргатган бўлса, шу зайилда бажарилмоқда. Шу сабабли бизда парранда гўшти анча қимматга тушмоқда.

Олимлар тажрибада синалган қимматли таклифлар қилмоқдалар. Лекин ҳеч ким бу таклифларни жорий қилиш билан шуғулланмаётир. Баъзи бир мисолларни келтираман. Яқинда мен чорвачиликда тўқима препаратларни академик Филатов методи бўйича қўлланиш тўғрисидаги киножурнални кўрдим. Бу бизнинг илмий институтларимизнинг бири томондан ишлаб чиқилган ва катта иқтисодий фойда бермоқда. Бу препаратни ҳайвонга пуркалса бас (пуркаш процесси эса жўнгина ўтади), семириш анча тезлашади. Шу препарат ҳисобидан семириш ҳар юз чўчқа бошига 300 килограммга етади, яъни боқиб семиртирилаётган ҳар юз чўчқага яна 3 чўчқа қўшилган бўлади. Ўйлайманки, бу тўғри, чунки, бу гапларни фолбинлар айтаётгани йўқ, балки тажрибага асосланувчи илмий тадқиқот институти айтмоқда. Нимжон чўчқа боласи шу препарат ёрдамида қандай қилиб нормал ривожлана бошлаганлиги кино журнала кўрсатилган. Нимжон чўчқа боласига шу препаратни пуркайдилар. У тез ўса бошлайди ва нормал ҳолга келади. Бу катта аҳамиятга эга. Айтишларича, бу препаратнинг бир флакони бир неча тийин туради. Шунинг учун арзимаган пул билан биз қўшимча равишда минг тонналаб гўшт етиштиришимиз мумкин. Лекин шунча гўшт етиштириш учун бу методни жорий қилмоқ керак. Кишиларга молларни боқиб семиртиришнинг янги усулларини ўргатмоқ, бу препаратни ишлаб чиқаришни ташкил этмоқ керак.

Ёки молларни профессор Байбуртцян методи бўйича бичишни олиб қаранг. Бу метод қўлланилганда бир хилдаги бошқа шароитда гўшт ва жун 10-12 процент кўпайиши исбот қилинган.

Хуллас, ўртоқлар, ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш бошқармалари қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг илғор методларини ўрганишга, фан ютуқларини ва илғор тажрибани колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига жорий қилишга жиддий киришмоқлари лозим. Қишлоқ хўжалик министрлиги, ўртоқ Писин, республикаларнинг министрликлари, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси илмий тадқиқот ва тажриба станцияларининг ҳамма портфелларини ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёр бўлган ҳамма нарсани яхшилаб қараб чиқишлари, ҳар бир колхоз ва совхозда жуда кенг миқёсларда, тезроқ жорий қилишлари лозим.

Ишлаб чиқариш бошқармалари мутахассисларини колхоз ва совхозларга юбориш ва у ерда зоотехниклар, ветеринария врачлари, чўчқачилик мутахассислари, паррандачилик мутахассислари ҳамда бошқа ходимлар билан биргаликда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги методларини ўрганишни ташкил қилиш лозим. Шу билан бирга фақат лекциялар билан чекланиб қолмаслик керак фан кашфиётлари ва илғор тажрибадан янги хўжалик шароитида қандай фойдаланиш кераклигини амалда кўрсатиб бериш лозим. Умумий доклад ҳеч нарсага арзимайди, бу қуруқ сўзлар йиғиндисидир, бу сўзлардан гўшт кўпаймайди. Янги, илғор методларни ўргатиш, ўргатиш ва яна ўргатиш керак, фан ютуқларидан, ишлаб чиқариш новаторларининг энг яхши методларидан қандай фойдаланиш лозимлигини тажрибада кўрсатиб бериш керак.

Мен чорвачиликни ривожлантириш соҳасидан мисоллар келтирдим. Лекин бу ўсимликшунослик, селекция ишлари, энг яхши селекция материалларини экиш учун жорий қилиш масалаларига ҳам баббаравар тааллуқлидир. Бу техникага ҳам, янги машиналарни ишлаб чиқариш ва жорий этишга ҳам тааллуқлидир.

Ўтган йили биз кенг оралиқда ишлайдиган ўрим-йиғим машиналарини кўздан кечирган эдик. Улар яхши натижалар бермоқда. Бундай унумли метод ўрим-йиғимда кенг қўлланилиши лозим. Бу ерда ҳам биргина доклад билан кифояланиб бўлмайди. Кишиларни амалда ўргатиш лозим. Фақат шундагина ҳосилни ўриб-йиғиб олишда меҳнат унумдорлиги анча ошади. Бунинг маъноси нима эканлигини сизлар яхши тушунасизлар. Бу бизга ўрим-йиғим ишлари муддатини анча қисқартиришга имкон туғдирган, ғалла нобудгарчилигига барҳам берган бўлур эди. Лекин ҳали бизда жуда кўп ҳолларда ҳамма нарсани ҳардам ҳаёллик билан қиладилар, тажриба тўғрисида яхши мақола босиб чиқарадилар, фан ютуқлари тўғрисида доклад қиладилару, лекин уларни ишлаб чиқаришга жорий этишга чинакам киришмайдилар.

Мана бу латифа беихтиёр кишининг эсига тушади: Бўри чўлда отни тутиб олиб «сени ейман» дебди. От бундай деб жавоб берибди: «Мен қарши эмасман, лекин менинг юқумли касалим бор. Шуни унутмагинки, агар мени есанг касалим юқиб қолади». Бўри сўрабди: «Бунинг учун қандай исботинг бор?» От жавоб берибди: «Менда ветеринария врачидан олган справка бор». Бўри сўрабди: «Қани у?», «Орқамдан келгин, кўрсатаман» дебди от. Бўри келибди. От бўрини шундай боплаб тепибдики, у думбалоқ ошиб кетибди, от эса қочиб қолибди. Бўри ўрнидан туриб: «Мен аҳмоқ бўлмасам, отнинг орқасидан келармидим, ахир мен саводсизман ва барибир справкани ўқий олмас эдим-ку» деган экан. **(Залда кулги).**

Бўрига тақлид қилмаслик кераклиги ҳаммага равшан.

Гарчи бизда ҳамма ходимлар саводли бўлса-да, лекин улар жуда кўп ҳолларда тажриба тўғрисида ёзилган нарсаларни ўқимайдилар. Шунинг учун, ўртоқлар, одамларнинг қўлидан ушлаб, уларни янгича нима қилиш керак ва қандай қилиш кераклигига ўргатиш лозим. Илғор тажрибани ва фан ютуқларини жорий қилишдан кишиларни моддий манфаатдор қилмоқ керак. Уларни жорий қилганлик учун бирон бир мукофот бермоқ керак. Албатта шундай қилмоқ керак! Ана шунда иш тезроқ юришиб кетади.

Бир киножурналда Кабарда-Балкар республикасида чопиқ қилинадиган экинларни, айниқса, маккажўхорини ротацион мотигалар билан ишлаш бўйича ажойиб тажриба кўрсатилган. Маҳаллий мутахассислар бу қуролнинг юлдузча диаметрини кенгайтирдилар ва маккажўхорини 2-3 марта ишладилар. Бунда ротацион мотига маккажўхори поясини синдирмади. Улар 12-14 километр тезликда экинни парвариш қилмоқдалар. Агар шу ротацион мотигага, болгар дўстлар қилганидек, ўроқ машинанинг сегменти уланса, яна ҳам яхшироқ бўлса керак. Агар биз маккажўхори экинини 2-3 марта ишласак, уни парвариш қилишда қўл меҳнатига барҳам берамиз. Шунда биз ҳамма ерда маккажўхори экинини қўл меҳнатисиз етиштирамиз.

Ҳозир Москва областида ҳаво салқин. Мен маккажўхорини кузатиб боряпман. Ҳозирча у секин ўсмоқда, лекин бу унчалик ташвишга солаётгани йўқ. 1950 йилдаги ҳарорат билан бу йилги ҳароратни таққослаб кўринг. 1950 йил менимча совуқроқ эди, лекин менинг боғимда маккажўхорининг бўйи 3 метрга етган, сўталари ҳам жуда яхши эди. (Мен ўша маҳалда Украинадан Москва областига келган ва маккажўхори эккан эдим). Бу йил ҳам маккажўхори бўлади. Шуни назарда тутмоқ керакки, маккажўхори дастлабки даврда секин ўсади. Кучли илдиз системасини вужудга келтириш учун кўп вақт кетади. Илдиз системаси ривожланиб олгач, маккажўхори жуда тезлик билан, бир кеча-кундузда бир неча сантиметрлаб ўсади. У ривож олади. Лекин албатта унга яхши парвариш қилинган тақдирдагина тез ўсади.

Ўсимликшуносликда ўсиш стимуляторларидан фойдаланмоқ керак. Закавказье республикалари қишлоқ хўжалик ходимларининг Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган зона кенгашида озарбайжонлик олим ўртоқ Гусейнов сўзлади. У ўзининг стимулятори таъсири натижаларини намойиш қилди. Бу стимулятор нефть чиқиндиларидан тайёрланади. Харажатлар жуда ҳам кам, фойда эса кўп. Агар бу олим ўсимликлар ўсишининг қимматли стимуляторини яратгани билан, биз уни тайёрлашни ташкил қилмас эканмиз, кишиларни ўргатмас эканмиз, практикада жорий қилмас эканмиз, у ҳолда бундай ишдан нима фойда? Олим ўз ишини қилган. Ишлаб чиқариш билан машғул бўлган кишилар бу кашфиётни ўзлаштириб олиши, препарат тайёрлашни ҳамда қишлоқ хўжалигига жорий қилишни ташкил этиши лозим. Ана шунда ҳосилга ҳосил қўшилади. Қишлоқ хўжалик министрлиги, Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлар академияси фаннинг барча янги ютуқларини яхши билишлари ҳамда бу ютуқларни ишлаб чиқариш бошқармалари билан биргаликда колхоз ва совхозларда жорий қилишлари лозим.

Агар ишлаб чиқариш бошқармаларидаги ўртоқлар кишиларни ўргатсалар, кадрларни яхшилаб жой-жойига қўйсалар, мен колхоз ёки совхознинг маслаҳатларни, йўл-йўриқларни қабул қилмасликларига, кўп миқдорда гўшт ёки сут етиштиришни рад этишларига ишонмайман. Улар кўпинча бунга қандай эришишни билмайдилар. Билмасалар ўзлари айбдор. Лекин кўпроқ бу уларга раҳбарлик қилаётган кишиларнинг айбидир, чунки, улар кишиларни ўргатишлари, уларга энг яхши намуналарни кўрсатишлари лозим. Агар миясига илм кирмайдиган кишилар раҳбарликка ўтириб қолган экан, уларни бошқаси билан алмаштиринг. Ҳозир бизда олий ва ўрта маълумотли кишилар жуда кўп. Ёмон раҳбарни алмаштиринг, янги кишиларни қўйинг, улар ишга чанқоқ, улар ўзларини кўрсатишни истайдилар.

Илғор кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш лозим. Шундай қилингки, бу кишиларни ҳамма танисин. Улар кўп иш қиладилар! Чўчқаларни, қорамолларни боқиб семиртириб, уларнинг вазнига вазн қўшиш, маҳсулот таннархини камайтириш, ҳосилни, сут соғиб олишни кўпайтириш ва ҳоказолар қилиш — коммунизм қурилишига конкрет иштирок этиш деб ана шуни айтади. Ғишт терувчи уста уйни биттама-битта ғишт териб барпо қилади. Ҳозир монтажчи қатор-қатор деворларни монтаж қилмоқда. Қаватдан-қаватга чиқмоқда ва қурилишни битказмоқда. Шунингдек, коммунизм қурилиши ҳам кун сайин конкрет меҳнат қилишни ва яна меҳнат қилишни талаб этади! Коммунизм қурилиши — лекциялар ўқишгина эмас, балки илмий асосда қилинадиган меҳнатдир, қурилишнинг жонли практикасидир, қурилиш процессида бутун жамиятимизнинг маҳорати такомиллашади ҳамда у коммунизм томон олға боради! **(Гулдурос қарсаклар).**

В. И. Ленин бундай деган эди: «...Биз ўрнак кучининг янги Совет Россиясида меҳнатни ташкил қилишнинг дастлаввал маънавий, сўнгра эса мажбуран жорий қилинадиган намунага айланишига эриша оламиз ва эришмоғимиз лозим». В. И. Ленин янгиликни жорий қилиш ҳамиша ҳам силлиқлик билан боравермаслигини олдиндан кўрган эди. У кишиларни мажбур қилиш ҳам лозим бўлишини олдиндан кўрган эди. Бироқ, биз В. И. Лениннинг гапини тўғри тушунмоғимиз лозим. Мажбур қилиш — янгиликни сабот билан ўргатиш, бу янгиликни практикада жорий қилиш демакдир. Кишини ўз ҳолига, ўз эркига, сувнинг оқимига қўйиб қўйиб, унинг қаерга оқиб боришини кутиб ўтирмаслик керак, балки унинг онгига ўрнак кучини сингдириш керак. Лениннинг мажбур этиш керак деган сўзининг маъноси шуки, фан ютуқларини ва илғор тажрибани қабул қилиш, ишлаб чиқаришга бориш, кишиларни йиғиш, уларни ўргатиш ва уларни янгича ишлашга чақириш демакдир. Агар тажрибани жорий этишни хоҳламасалар уларни ташкилий чоралар билан шундай қилишга мажбур этмоқ керак. Бу — тўғри метод. Орадаги узилишга вақт кетказмаслик керак.

Чорва молларни озиқлантиришда антибиотикларни қўлланиш тажрибасига диққат қилса арзийди, бу ҳақда эслатиб ўтдим. Кўп сонли маълумотларга кўра озиқлантириш учун сарфланган ҳар бир грамм антибиотик эвазига боқиб семиртириш муддатини узайтирмай ва қўшимча ем-хашак сарфламай туриб, қўшимча равишда бир килограммдан гўшт (сўйилган вазнда) олиш мумкин.

Москва областидаги «Кленово—Чегодаево» совхозида антибиотиклардан фойдаланилганда чўчқаларнинг семириши 29 процент кўпайди.

Антибиотиклар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, кишиларга улардан фойдаланишни ўргатиш лозим. Ҳамма нарса равшанга ўхшайди, лекин бу илғор усул ўзига йўл очиб олиши учун қанчадан-қанча вақт кетмоқда?! Бизда гербицидлар ва заҳарли химикатлар жуда кам ишлаб чиқарилмоқда. Улар эҳтиёжларимизни қондира олмайдиган даражада ишлаб чиқарилмоқда. Гербицидларнинг аҳамиятини тушунилмаётир. Биз барча зарур гербицидларни ишлаб чиқаришни тез ўзлаштириб олиш ҳамда қишлоқ хўжалигини улар билан керакли миқдорда таъминлаш имконига эгамиз. Лекин шундай қилинмаётир.

(Охири тўртинчи бетда)

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши 1, 2, 3- бетларда).

Хўш, ўртоқлар, бунинг маъноси нима? Агар, масалан, нўхат экилса-ю, гербицид ва захарли химикатлар бўлмаса, нўхатни еб битирадиган зерновка ўлдирилмаса 30 центнер ўрнига 10 центнер нўхат олинади. Бу нақадар зарар? Мисол учун 5 миллион гектар ерга нўхат экилган деб фараз қилайлик. Агар ҳар гектарда 15 центнердан нўхат нобуд бўладиган бўлса, у қанча пул туради? Биз колхозларга ҳар бир центнер нўхат учун 20 сўмдан тўлаймиз. Агар ҳосилдорликнинг бундай камайиб кетишидан кўриладиган зарар ҳисоблаб чиқилса, нобуд бўлишдан сақлаб қолинган ҳосилнинг пулига гербицидлар ва захарли химикатлар ишлаб чиқарувчи бир неча завод қуриш мумкинлиги равшан бўлиб қолади.

Афтидан, бу масалаларни тайёрлаш ҳамда Марказий Комитет ва Министрлар Советида қараб чиқиш, ишни тўғри йўлга қатъий солиб юбориш лозим. Пулни усталик билан ҳисоб-китоб қилиш керак. Мен айтиб ўтган мисолда харажатлар қилиб бўлинган: ер ҳайдалган, нўхат экилган, сўнгра эса, охирги босқичда, тўсатдан ҳосилни майда ҳашарот нобуд қилиб қўяди. Ёки узунтумшуқни олиб қаранг — у захарли химикатлар ишлатилмаган бўлса қанд лавлаги экинини бутунлай нобуд қилади. Узунтумшуққа қарши кураш воситалари ишлаб чиқилган, лекин улар ҳали етарли миқдорда ишлаб чиқарилаётгани йўқ. Мен полихлорпиненни назарда тутмоқдаман. Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ҳосилдорликни ошириш учун қишлоқ хўжалигини барча воситалар билан таъминлаш лозим. **(Қарсаклар).**

Шу гербицидлар юзасидан қилинган ҳамма харажатларни, илмий тадқиқот ишлари учун қилинган ҳамма чиқимларни таннархга киритиш мутлақо нотўғридир. Бундай ҳолда гербициднинг қиммати баъзан бир гектар ердан йиғиб олинган маҳсулотнинг қимматидан анча ортиқ бўлади. Хўш бундай гербицидлардан ким фойдаланади? **(Залда жонланиш. Қарсаклар).** Ахир буни ишга давлат манфаатларини кўзлаб ёндашиш деб бўладими? Ҳатто бойлик орттиришга муккасидан кетган капиталистлар ҳам илмий тадқиқот ишлари учун қилинган харажатларни баҳоларни белгилаш вақтида чиқариб ташлайдилар. Лекин янги препаратларни кўплаб ишлаб чиқаришда улар харажатларнинг ўрнини тўлдириб оладиларгина эмас, балки катта фойда ҳам кўрадилар. Бизда эса кўпинча янги маҳсулотнинг дастлабки килограммиданоқ дарҳол барча чиқимларнинг ўрнини қопламоқчи бўладилар. Бу мумкин эмас. Афтидан, Госпландаги барча ўртоқлар, юмшоқроқ қилиб айтганда, ўзбилармонлик қилаётган бўлсалар керак. **(Залда жонланиш).**

Қишлоқ хўжалик министрлиги ва ишлаб чиқариш бошқармалари ўғитларни, гербицидларни ва захарли химикатларни тўғри қўлланиш тўғрисида мукаммал инструкция ишлаб чиқишлари лозим. Колхоз ва совхозларда ўғитларни, гербицидларни, захарли химикатларни қўлланиш усулларига ҳамда уларни ўсимликларни зарарлантирмаслик ва хўжаликка моддий зиён етказмаслик учун қанча ишлатишга кишиларни амалда ўргатишни ташкил этиш лозим.

Яна бир масалани ўртага қўймоқчиман. Афтидан, ишлаб чиқариш бошқармалари учун журнал чиқариш керак. Журнал ойлик ёки икки ҳафталик бўлиши мумкин. Менимча ойлик бўлгани яхшироқ.

Мен Москва область комитетининг секретари бўлиб ишлаган вақтимда бизда шундай журнал бор эди. Бу журнал фақат Москва областидаги колхозчилар ва совхоз ишчилари орасидагина обрў қозониб қолмасдан балки, бошқа республикаларда ҳам унинг кўпгина обуначилари бор эди; биз қоғоз етишмаганлиги сабабли обуначиларнинг талабини рад этишга ҳам мажбур бўлган эдик. Бу журнал ҳозирги вақтда ҳам чиқиб турибди. Афсуски, ҳозирги вақтда уни ўқиб туриш имкониятига эга эмасман. У вақтда эса мен журналнинг ҳар бир сонини қараб чиқардим. Қараганда ҳам жуда синчиклаб қарар эдим, чунки янги, илғор нарсани матбуот воситасида пропаганда қилинишига катта аҳамият берар эдим.

Бундай журнални афтидан: республикаларда, балки эҳтимол иттифоқ бўйича нашр этиш лозим бўлар. Тўғри, агар иттифоқ журнали нашр этиладиган бўлса, унинг ўзига яраша қийинчилиги бўлади. Чунки мамлакатимиз шу қадар турли-туманки, журналда баъзи бир зоналар учун кўпгина кераксиз материаллар бўлади. Масалан, Москва областини ток қизиқтирмайди, лекин у ҳақда журналда мақола бўлади. Ёки сояни олиб қаранг, бу жуда муҳим экин. Лекин бу экин мамлакатнинг ҳамма районларида ўсавермайди. Лекин соя тўғрисида ҳам ёзиш керак бўлади. Агар биз ҳамма нарса тўғрисида ҳам иттифоқ миқёсида ёзаверадиган бўлсак, мамлакатнинг турли зоналаридаги ходимларнинг талабларига батафсил жавоб бера олмаймиз. Шунинг учун журнални республика миқёсида, лекин турли зоналарни ҳисобга олиб нашр этиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Хуллас, журнални нашр этиш вақтида ҳамма нарсани яхши ўйлаб кўрмоқ керак. Агар иттифоқ журналини чиқарадиган бўлсак у ҳолда, афтидан, турли зоналардаги обуначилар учун бирон бир қўшимча варақаларни назарда тутмоқ керак. Буни амалда қилиш мумкин: фалонча тираж фалон зонага фалон хил материал билан боради, бошқа зоналарга эса худди шу зоналарни қизиқтирувчи материаллар билан боради. Яхши редакторни танлаб олиш керак, авторлар коллективи обрўли бўлиши керак. Бизда ишнинг кўзини билувчи, муносиб авторлар жуда кўп. Журнал ишига олимларни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча зоналаридан ва барча соҳаларидан тажрибакорларни жалб этиш керак.

Ишлаб чиқариш журналини, афтидан, инспектор-ташкилотчига, унинг савиясига мослаб чиқариш керак бўлади. Бунинг маъниси — журнал колхоз раисига, совхоз директорига, совхоз ва колхозларнинг агрономларига, зоотехникларига, ветеринария врачларига ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа ходимларига, яъни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муваффақиятларини ҳал қилувчи кишиларга керак демакдир.

Зоналарни ҳисобга олиб инспектор-ташкилотчи учун қўйин дафтарчасини ишлаб чиқиш фойдали бўлади деб ўйлайман. Масалан, шоли экувчи районларда ишловчи инспекторга қўйин дафтарчасида шу экин тўғрисидаги энг муҳим маълумотларни бериш керак. Бу қўйин дафтарчасини инспектор-ташкилотчининг шахсий белгилари учун ойлар ва кунлар бўйича календарь шаклида нашр этмоқ мақсадга мувофиқдир. Иккинчи томондан бу календарь фалон ойда фалон нарса экилади, фалон нарса парвариш қилинади деб эслатиб туриш учун ҳам хизмат қилади. Илгари вақтларда йиллик қишлоқ хўжалик календари бўлиб, унда кўпгина фойдали маълумотлар бўлар эди.

Шундай қилиб, ўртоқлар, фикримча фан ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг тахминан қуйидаги тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтлари ва тажриба станциялари синовдан ўтказилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун фойдали деб топилган фан ютуқлари тўғрисида СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, иттифоқчи республикаларнинг Қишлоқ хўжалик министрликларига мунтазам суратда ахборот бериб турадилар. Шу билан бирга институт ва тажриба станцияси муайян кашфиётни, усулни, методни экинлар навини, чорва моллар зотини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан тавсия қилади.

Қишлоқ хўжалик министрлиги илмий тадқиқот институтлари ва тажриба станцияларида фан ютуқларининг энг фойдалиларини танлаб олади. Тегишли синовдан кейин министрлик у ёки бу илмий кашфиётни ёҳуд прогрессив иш методини мамлакатнинг тегишли зоналарида жорий қилиш учун колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларига конкрет тавсияни брошюра қилиб нашр этишга мажбур.

Шу билан бирга министрликлар зиммасига методик кўрсатмаларни, инструкцияларни, схемаларни ҳамда фан ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун зарур бўлган бошқа материалларни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам киради. У ёки бу усулни тавсия қилган муассаса шу тавсия қилинган усул ишлаб чиқаришда синаб кўрилганлиги учун жавоб беради.

Техникадан яхши фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширувчи янги машиналар ва мосламаларни жорий қилиш масалалари бўйича ишлаб чиқариш бошқармаларига тавсияларни «Союзсельхозтехника» органлари ишлаб чиқмоғи керак. Улар у ёки бу мосламанинг чертёжини, уларни қўлланишнинг технологик асосларини тайёрлаб берадилар.

Колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси у ёки бу фан ютуғини, прогрессив иш методини, техника такомиллаштиришини жорий қилиш тўғрисидаги тавсияларни олгач, бу тавсияларни колхоз ва совхозларда кенг жорий қилиш юзасидан конкрет тадбирларни ўйлаб кўриши лозим.

Аввало бошқарма ходимлари кадрлар тайёрлашни, кишиларни ўргатишни шундай ташкил қилмоқлари керакки, токи колхозчилар ва совхоз ишчилари у ёки бу прогрессив иш методини амалда қўллана билсинлар.

Фан ютуқлари ёки илғор методни барча колхоз ва совхозларда жорий этиш плани белгилаб чиқилгандан кейин ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари, партия ташкилотлари белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан контролни таъмин этишлари лозим. Уларнинг бурчи янгиликни қўллаб-қувватлашдан ҳамда унинг барча колхоз ва совхозларда қўлланилишига эришишдан иборат.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА МАҲСУЛОТ БИРЛИГИГА БЎЛАЁТГАН САРФНИ КАМАЙТИРИШ ХЎЖАЛИКНИ БОШҚАРИШДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАДИР

Колхозлар ва совхозларда меҳнат унумдорлигини ошириш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Коммунизм — жамият тараққиётининг юқори босқичидир. Коммунистик жамиятни фақат юксак меҳнат унумдорлиги асосида қуриш мумкин. Биз хўжаликнинг социалистик системасининг, планли экономиканинг ҳамма имкониятларидан ва ҳамма афзалликларидан фойдаланишимиз, меҳнат унумдорлигининг энг юқори бўлишини таъминламоқ учун фан ва техниканинг муваффақиятларини кенг қўлланишимиз лозим. Шундагина биз иқтисодий соҳадаги тинч мусобақада капитализмни енгишимиз мумкин. Коммунизмда турмушнинг шундай шарт-шароити вужудга келтириладики, бундай шароитда инсон моддий ва маънавий неъматлардан эҳтиёжига яраша фойдаланадиган ва қобилиятига яраша ишлайдиган бўлиб қолади, деб айтаётирмиз. Бунга меҳнат унумдорлиги энг юксак бўлганидагина, яъни фан, техниканинг ҳамма муваффақиятларидан энг яхши фойдаланилган тақдирдагина, ишлаб чиқариш юксак даражада ташкил этилган тақдирдагина, жамиятнинг меҳнатга лаёқатли ҳамма аъзолари куч ва ғайрат сарфлаб ишлаган тақдирдагина эришиш мумкин. Биз буни ҳамиша эсда тутишимиз лозим.

Бизнинг мамлакатимиз саноат соҳасида катта ютуқларга эришди. Бир қанча тармоқларда, кўпгина илғор корхоналарда меҳнат унумдорлиги тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг энг юксак муваффақиятларидан ҳам ўзиб кетди. Умуман олганда эса, биз энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан меҳнат унумдорлиги соҳасида ўзиб кетмоқ учун саноатда ҳам айниқса қишлоқ хўжалигида ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга сарфланаётган меҳнат тўғрисидаги баъзи маълумотларни таққослаб айтиб бераман:

Америка Қўшма Штатларида сутнинг ҳар центнерини етиштиришга 3,9 одам-соат сарфланмоқда, қорамолни ҳар центнер семиртиришга 7,1 одам-соат сарфланмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз совхозларида 1961 йилда сутнинг ҳар центнерини етиштиришга ўрта ҳисобда 8,7 соат сарфланди, қорамолни ҳар центнер семиртиришга 42 одам-соат сарфланди.

Шуни айтиш керакки, гўшт ва сутнинг ҳар центнерини етиштиришга сарфланаётган меҳнатнинг миқдори Америка Қўшма Штатларидаги даражага бориб етган ва ҳатто ундан ҳам яхшироқ бўлган илғор совхозлар ва колхозларимиз кўп. Масалан, ўтган йил 1180 колхозда ва 204 совхозда сутнинг ҳар центнерини етиштиришга ўрта ҳисобда 3,7 одам-соат сарфланди. Гўшт етиштиришга сарфланаётган меҳнатнинг миқдори жиҳатидан ҳам шундай мисоллар бор.

Американинг бу соҳадаги маълумотлари бирмунча ошириб кўрсатилган бўлиши жуда ҳам мумкин, лекин шундай бўлсада, биз меҳнат унумдорлиги жиҳатидан Америка Қўшма Штатларидан ҳали анча орқада қолмоқдамиз.

Тарихан бунинг сабаби бор. Революциянинг ғалабасидан кейин қишлоқ хўжалигида ишни нимадан бошлаганлигимизни эслаб кўринг: биздаги қишлоқ хўжалиги майда ва тарқоқ бўлиб, унинг таянчи омоч эди. Ўша вақтда Америкада эса, капитализм машина техникасига таянувчи йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини вужудга келтирган эди. Конкуренция натижасида миллион-миллион майда фермерлар хонавайрон бўлган эди. Америкаликлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига сарфланаётган меҳнатни ҳисоблашни аллақачон ўрганиб олган эдилар. колхозлар ва совхозлардаги раҳбарларнинг кўпчилиги эса ҳар центнер гўшт ва ҳар центнер сутни етиштиришга қанча вақт сарфланаётганлиги, маҳсулотнинг таннархи қандайлиги масалалари устида умуман бош қотирмас эдилар. Кўпинча биз хўжаликни ўз билгимизча, эскича олиб бормоқдамиз.

Дарҳақиқат, хўжаликни ўт-далали системаси асосида олиб бориш ақлга тўғри келадиган ишми, ахир? Ҳайдаладиган ерларнинг 40 процентини ва ундан ҳам кўпроғини ўтлар билан банд қилиб қўйиш ақлга тўғри келадиган ишми, ахир? Бу — ердан энг унумсиз фойдаланиш-ку. Кўпгина илмий тадқиқот институтларининг ходимлари ўт-далали система шароитида чорвани сотиб олинган озуқа билан боқиш, ўз хўжаликларида эса Вильямс назариясини — ўт-далали системани соф ҳолида ўтказиш фойдали эканлигини тушунар эдилар. Улар мана шундай ўт-далали система шароитида гўшт ва сут ҳосил қилиб бўлмаслигини билар эдилар, шунинг учун ҳам ўт-далали система уларга «соф назария» учунгина керак эди, амалда эса чорваларни боқиш учун давлатдан арзон ем-хашак олиб турар эдилар.

Ҳаммага маълум америкалик фермер Гарстни олиб кўринг. У бирор экинни экишдан олдин қанча ҳосил олишини, шу экин сарфланган меҳнатга яраша қанча маҳсулот беришини, шу экиндан олинган озуқа ҳисобига қанча гўшт етиштирилишини, бу гўштнинг қиммати қанча бўлишини ва шу кабиларни ҳисоблаб чиқади, албатта. Гапнинг қисқаси, у, ҳамма нарсани ўйлаб, ҳамма нарсани салмоқлаб кўради.

Аммо, биздаги кўп хўжаликларда ишга, афсуски, ҳали бундай қаралмаётир, маҳсулотнинг қиммати ва таннархи тўғрисида аниқ тасаввур йўқ. Ишни барбод қилиб қўяётган совхоз директори хўжаликка дотация берилишини билади. Капиталистик давлатга эса, дотация — хўжаликни ким ошди қилиб сотишнинг ўзгинасидир, хўжалиги барбод бўлган киши кўпинча ўзини отиб ўлдиради. Ҳа, ҳа, шундай ҳоллар бўладики, ўртоқлар, фермерлар хўжаликлари барбод бўлганида ўзларини отиб ўлдирадилар, чунки улар иложсиз аҳволга тушиб қоладилар.

Биз хўжаликни тежамли бошқаришимиз керак. Совхоз директорлари, колхозларнинг раислари ҳисоб-китобни билишлари, ерни ҳайдашга, экишга, ишлашга, ҳосилни йиғиб-териб олишга, силос бостиришга, маҳсулотни сақлашга, чорва молларни боқиш ва асрашга қандай сарфлар қилинаётганлигини, чорва молни семиртиришнинг ҳар центнери қанчага тушаётганини ва шу кабиларни билишлари лозим. Хуллас, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг таннархи нималардан таркиб топаётганини миридан-сиригача билиш керак.

Биз маккажўхорини экиб ўстириш тажрибаларини ўрганиб келиш учун ўз механизаторларимизни Америкага юборган эдик, улар кўп нарсани ўрганиб қайтишди. Эндиликда бизда юзлаб ва минглаб тракторчиларнинг ҳар қайсиси юз гектар ва ундан кўпроқ ерга маккажўхори экиб ҳосил олмоқда.

Чорвачилик масалаларида ҳам чет эллардаги тажрибаларнинг энг яхши намуналарини ўрганиб олишга тўғри келади. В. И. Ленин хўжалик ишларини билиб бошқаришни капиталистлардан ўрганишни ор деб билмас эди. Ўрганишнинг уяти йўқ, ўрганмаслик, олға бормаслик уят. Хўжаликни моҳирлик билан бошқараётганларнинг тажрибасини ўрганиб олиш керак ва буни ўрганиб олиб, улардан ўзиб кетиш керак — ўрганиш натижасида кимки бунга эришса, жуда ҳузур қилади. Бас, шундай экан, фурсатни қўлдан бермайлик, зўр бериб ўрганайлик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги янги илғор тажрибаларнинг ҳаммасидан фойдаланайлик.

Ҳозир бизда ўзимизнинг яхши кўрсаткичларимиз бор. Шу кўрсаткичларни намуна қилиб олайлик, агар бу кўрсаткичлар Америкадаги даражадан паст бўлса, у ҳолда америкаликлардан ўрганайлик. Капитализм билан бўлаётган мусобақада фақат зўр меҳнат билангина, ишни моҳирона ташкил қилиш билангина ғалаба қозониш мумкин. Зўр бериб меҳнат қилиш — тупроқни бир жойдан иккинчи жойга улоқтира бериш эмас, балки энг яхши усулларни, хўжаликни бошқаришнинг янги тағин ҳам прогрессив методларини зўр бериб ўрганиб олишдир.

Ишлаб чиқариш бошқармалари раҳбарларининг, колхозлар ва совхозлардаги раҳбарларнинг, партия ташкилотларининг, барча коммунистлар ва комсомолларнинг энг биринчи вазифаси шуки, улар қишлоқ хўжалик ходимларининг эътиборини меҳнат унумдорлигини оширишга қаратишлари керак. Меҳнат ва маблағни камроқ сарфлаб, яхши сифатли маҳсулотни кўпроқ етиштириш колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини бошқаришдаги асосий вазифадир.

* * *

Сизларнинг эътиборингизни яна бир неча масалага қаратмоқчиман. Озиқ-овқат тариқасида фойдаланмоқ учун юқори сифатли картошкани кўпроқ етиштиришимиз зарур. Картошка уруғчилиги тўғрисида яқинда қарор қабул қилинди. Бу ишга жиддий киришиш керак. Картошка етиштирмоқ учун энг яхши ерларни ажратиб бериш керак. Бизда картошканинг яхши навлари бўлиши керак.

Маълумки, картошка озиқ-овқат бўладиган энг яхши маҳсулотдир, картошкадан тайёрланадиган овқатларнинг хилини кўпайтириш керак. Масалан, майдалаб тўғраб шўртак қилиб қовурилган картошка жуда мазали бўлади. Картошкали овқатларнинг кўпи арзон бўлади, тўйимли ва лаззатли овқат бўлади.

Хилма-хил овқатлар тайёрламоқ учун маккажўхори ўстиришнинг катта аҳамияти бор. Маккажўхорини думбуллигида консерва қилмоқ учун унинг махсус навларини кўпроқ экиш керак. Афсуски, маккажўхорини консерва қилмоқ учун кам ўстирмоқдамиз, яна бунинг устига маккажўхорини кўпинча тўғри усулда консерва қилмайдилар. Кези келганда мен консерва қилинган маккажўхорини татиб кўрган эдим. Ўшанда шу консервани тайёрлаганларнинг бошига ўша консерва банкаларини улоқтириш яхшироқ бўлар эди, деган фикр хаёлимга келган эди. **(Залда кулги).** Маккажўхорининг хили кўп. Маккажўхорининг овқатбоп махсус навларини думбуллигида консерва қилиш керак, бунақа консервани еган киши ҳузур қилади ва оғзингда мазаси қолади.

Думбул бўлиб пишган маккажўхорини Москва ва бошқа шаҳарларга олиб келиб, янгилигида сотиш, сўталари билан пишириб сотиш мумкин. Маккажўхори овқати ҳақиқатан тўйдирадиган лаззатли овқат. Аммо бизда бунақа маккажўхори ҳали кам.

Бодроқ жуда тўйимли овқат. Америкаликлар ва инглизлар бодроқ қилишга жуда уста бўлади.

Инглизлар нонуштага нима ейди? Кўпинча уларнинг нонуштаси бодроқ билан сутдан иборат бўлади. Америкаликлар хилма-хил қилиб пиширилган маккажўхорини жуда кўп миқдорда истеъмол қилишади.

Лўвияни кўпроқ етиштириш керак. Лўвия жуда яхши овқатбоп экин. Грузинларнинг овқати лобисиз ўтмайди. Хўш, лоби нима? У кўк лўвиянинг ўзгинаси. У лаззатли, тўйимли, арзон овқатдир.

Хуллас, лўвия ва соя етиштиришга алоҳида эътибор бериш, шулардан масаллиқлар тайёрлашни бутун чоралар билан авж олдириш керак. Ҳосилни йиғиб териб оладиган машиналар йўқлиги сабабли шу экинларни экиш кенгайтирилмаётир, дейишади. Ҳозирги вақтда лўвия ва сояни ўришда унинг пояси юқоридан кесиб олинаётганлиги сабабли доннинг кўп қисми ерга тўкилиб нобуд бўлмоқда. Зарур машиналарни яратиб бериш керак. Инженерларга ҳосилни нобуд қилмай ўриб-йиғиб берадиган машиналар яратиш вазифасини топшириш лозим. Бизда лўвия 12-15 центнер ҳосил беради, лўвия оқсил модда берадиган ўсимликдир.

Нўхат ҳам озуқа бўладиган жуда яхши экиндир. Нўхатдан хилма-хил овқат тайёрлаш керак — айниқса кўк нўхат доналари мазали бўлади. кўк нўхатни кўпроқ консерва қилиб қўйиш керак. Пишган нўхатдан ҳам овқат тариқасида кенг фойдаланиш мумкин. Бизда ичига нўхат солинган сомса ҳамиша тансиқ овқат ҳисобланади. Нўхатли шўрва эса деҳқонга ҳам, солдатга ҳам тўйимли овқатдир. Шу сабабли, нўхатли овқатларни кўпроқ ишлаб чиқариш керак.

Гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак. Лекин сабзавотсиз овқатнинг лаззати бўлмайди. Экишда ҳам, шунингдек овқатлар тайёрлашда ҳам сабзавотларнинг хилини кўпайтириш зарур. сабзавотларни консерва қилишни яхши йўлга қўйиш керак. Янги етиштирилган сабзавотларни фақат ёздагина эмас, қишда ҳам кўпайтиришни ўйлаб кўришимиз керак. Бу вазифани теплица хўжалигини кенгайтириш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Шундай қилинганида сабзавот қишда ҳам кўп етиштириладиган бўлади, шунингдек сабзавотларни янгилигича асраш йўли билан ҳам уларнинг хилини кўпайтириш мумкин. Ҳозирги вақтда фан ва техника музлатиб қўйиш йўли билан, температурани муайян даражада ушлаб туриш ва бошқа воситалар билан сабзавотни узоқ вақт янги узиб олингандек сақлаш имкониятини беради.

БУТУН КУЧ—ЭКИНЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШГА, ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ҚАРАТИЛСИН!

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг боришига биз қандай баҳо берамиз? Бу йил кўкламги дала ишлари яхши ўтказилди. Бу — халқнинг сиёсий ва меҳнат ғайрати ёппасига юксалганлигининг натижасидир. Қишлоқ хўжалигини бошқариш қайта ташкил этилганлиги ҳам катта роль ўйнади, колхозларга ва совхозларга конкретроқ раҳбарлик қилинадиган бўлиб қолди. Партия XXII съездининг ҳамда КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун зўр бериб кураш бутун мамлакатда авж олиб кетди.

Кўкламги экиш плани 103 процент бажарилди. Колхозлар ва совхозлар ҳаммаси бўлиб 148 миллион 81 минг гектар ерга ёки ўтган йилдагидан 14 миллион 728 минг гектар кўп ерга баҳори экинлар экдилар. Буғдой экилган майдон 3 миллион 500 минг гектар кўпайди. 34 миллион 926 минг гектар ерга ёки ўтган йилдагидан 11 миллион гектар кўп ерга маккажўхори экилди. Нўхат, гречиха, тариқ, лўвия, соя экилган майдонлар кенгайтирилди.

Шуни алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, маккажўхори экишни имкониятга қараб кенгайтириш, маккажўхорини яхшилаб ишлаш ва ўриб-йиғиб олиш керак. Маккажўхорини кўп экиш ундан кўп ҳосил олиш деган гап эмас. Маккажўхорини уч баравар кўп экиш мумкин-у, лекин гектар бошига 300 центнердан эмас, балки 100 центнердан силосбоп поя олиш мумкин, бу билан ялпи ҳосил кўпаймайди. Маккажўхори гектар бошига 450-500 ва 1000-1200 центнер кўкпоя бериши мумкин. Маккажўхорининг ҳосилини ошириш масаласи, аввало, экишнинг сифати, ишлашнинг сифати масаласидир, маҳорат масаласидир. **(Қарсаклар).**

Шу сабабли, маккажўхори экишни кенгайтириш тўғрисида гап борганда, эҳтиётқор бўлиш керак. Кўпроқ экинглар, деб қистай бериш, талаб қила бериш ярамайди! Сизларнинг зонангизда маккажўхорининг ҳар гектаридан камида 400—500 центнер силосбоп поя олмоқ учун, аввало, маккажўхори экинларини парвариш қилишни яхши ўрганиб олиш керак. Ана шундай ҳосил олинганида сизларда гўшт ва сут кўпроқ бўлади. Сизлар эса, 500-600 центнердан ҳосил олишингиз мумкин. Бундан ҳам юқори ҳосил олаётган хўжаликлар бор.

Илгариги йилларда колхозлар ва совхозлар нўхат ва хашаки дуккакли экинлар экмас эди деса бўлади. Бизнинг еримизда яхши ўсадиган бу ажойиб экинлар аслини олганда далалардан ҳайдаб чиқарилган эди. Бу йил колхозлар ва совхозлар 4 миллион 463 минг гектар ерга — ўтган йилдагидан 2 миллион 500 минг гектар кўп ерга нўхат экишди. Нўхат экишни кўпайтириш осонроқ, чунки унинг қатор ораларини ишлаш талаб қилинмайди, унинг ҳосилини ўриб олиш эса ҳозирги вақтда машиналаштирилган. Нўхатни кўпроқ экиш керак. Нўхатнинг уруғлигига келганда, унинг уруғлиги келгуси йилда бўлмаса ҳам, кўпи билан икки йилдан кейин бизда етарли бўлиб қолади ва қанча лозим бўлса шунча нўхат экишимиз мумкин бўлади.

Хашаки дуккакли экинларни ўзимизга керак бўлганига қараганда камроқ экмоқдамиз. Бу йил бундай экинлар бизда фақат 737 минг гектар ерга, яъни ўтган йилдагидан 625 минг гектар кўп ерга экилди. Бу экинни экишни кенгайтириш керак

Бу йил колхозлар ва совхозлар чорва молларни боқиш учун қанд лавлаги экилган майдонни кенгайтирдилар. 2 миллион 660 минг гектар ерга қанд лавлаги экилди. Лавлаги экилган майдон ўтган йилдагига қараганда 1 миллион 460 минг гектар кўпайди. Шу майдоннинг ҳар гектаридан лоақал 150 центнер лавлаги олинган тақдирда ҳам, чўчқа ва бошқа чорва моллар учун тахминан 40 миллион тонна жуда қимматли озуқа ҳосил бўлади.

Ҳозир асосий вазифа шуки, мўл ҳосил олмоқ ва бу ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олмоқ учун маккажўхори, қанд лавлаги ва бошқа экинларни парвариш қилишни яхши ташкил этиш керак. Ташиб олиш воситалари кам бўлиб қийинчилик туғиладиган бўлса, у ҳолда маккажўхорини далаларда силос қилиб бостириб қўйиш тайёргарлигини кўриш керак. Дуруст, бундай қилинганида силосни ташиб олишга бирмунча ортиқча харажат бўлади, лекин бунинг эвазига биз маккажўхорини ўз вақтида нобуд қилмай ўриб олишимиз ва силос қилиб қўйишимиз мумкин. Бинобарин, озуқанинг миқдори ва сифати бу харажатларнинг ўрнини қоплайди.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш қандай бораётир? Бу йилнинг ўтган даври ичида гўшт ва сут тайёрлаш ўтган йилдагига қараганда бирмунча кўпайди. 1962 йилнинг 20 июнига қадар мамлакатда ўтган йилдагига нисбатан чорва 313 минг тонна, сут 831 минг тонна, тухум 689 миллион дона, жун 12 минг тонна кўп тайёрланди.

Ўтган йилдагига нисбатан чорва моллар тайёрлашни Россия Федерацияси 19 процент, Украина ССР 27 процент, Молдавия ССР 103 процент, Қирғизистон ССР 49 процент кўпайтирди. Бироқ, бу ўсишни ҳали қониқарли деб бўлмайди. Гўшт ва сут етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш вазифасини ҳал қилмоқ учун кўп иш қилиш керак.

1 июндаги маълумотларга қараганда, колхозлар ва совхозларда 1961 йилдагига нисбатан қорамол сони 5 миллион 600 минг бош, шу жумладан сигирлар сони 1 миллион 918 минг бош, чўчқалар сони 4 миллион 370 минг бош, қўйлар сони 2 миллион 218 минг бош кўпайди.

Шу билан бирга шуни айтиш керакки, баъзи республикаларда чорва молларнинг сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайиб кетди.

Бу йил дон экинларининг ҳосили қандай бўлишини айтиш ҳозирча қийин. Экинларнинг аҳволи ҳозирги вақтда қониқарли. Экинлар етилаётган ва ўриб-йиғиб олинаётган вақтда об-ҳаво шароити ноқулай келиб қолмаса, бизда дон экинларининг ҳосили бу йил ўтган йилдагидан кўпроқ бўлади, деб кутиш мумкин. РСФСР жанубидаги ҳосил ҳозирдаёқ белгиланди. Кубанда, Ставрополда, Ростов областининг бир қанча районларида ғалла ўрилмоқда. Шу районларда ғалладан кўп ҳосил олинмоқда. «Кубань» совхозининг директори ўртоқ Максимовни биз ўтган йил танқид қилган эдик, шу совхозда гектаридан 33 центнердан нўхат янчилаётганлиги ҳақидаги хабарни «Правда»да ўқидим. Совхоз 500 гектар ерга ўт ўрнига нўхат экибди. Шу совхоз гектар бошига қанча нўхат-у, қанча ўт олар эди, буни энди ўзларингиз ҳисоблаб кўринг. Совхоз гектар бошига 33 центнер нўхат олади, бундан ташқари сомон ҳам олади, бу сомоннинг озуқалик сифати ўтлоқдан ўриб олинган пичаннинг сифатидан қолишмайди. Поволжье областларида кўрсаткичларнинг яхши бўлиш «хавфи» бор. Лекин, гарчи ҳаммани қизиқтирса ҳам мен бу кўрсаткичларни айтиб ўтирмайман, чунки волгаликлар шундай рақамларни айтмоқдаларки, илгари улар бунақа рақамларни ҳеч қачон тилга олмаган эдилар. Уралда ва Сибирда экинларнинг ривожланиши чакки эмас. Қўриқ ўлкадан кутилган умид ҳам чакки эмас. Лекин такрор айтаманки, ҳозир узил-кесил хулосалар чиқаришга ҳали вақт эрта.

Украинада маккажўхори бирор хатарли ҳолатга учрамаса, у ҳолда Украина бу йил ғаллани ўтган йилдагидан кам бермайди. Украинада ғалланинг миқдори кўп жиҳатдан маккажўхорига боғлиқ, чунки кузги экинларнинг аҳволи ўтган йилдагидан ёмонроқ. Украинанинг баъзи областларида кузда ёмғир бўлмади, кузги ғалла қишдан яхши чиқмади ва экинларнинг бир қисмини қайта экишга тўғри келди. Украинада қарийб 10 миллион гектар ерга маккажўхори, 1,5 миллион гектар ерга нўхат экилди.

Украина ўтган йили планга мувофиқ давлатга 650-700 миллион пуд дон сотиши керак эди, аммо Украинада 786 миллион пуд дон харид қилинди. Украинанинг раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлар натижасида менда шундай фикр туғилдики, агар ҳамма иш ўнгидан келса улар бу йил ғаллани давлатга ўтган йилдагидан кам эмас, балки кўпроқ сотиши мумкин.

Ўртоқлар! Нутқимни тамомлайман. Кенгаш яхши ўтди деб ҳисоблайман, биз ишларнинг аҳволини яхши билиб олдик ва дадил бўлиб ишлай берамиз. Жойларга қайтиб борганингиздан кейин ҳозир бутун куч ва ғайратни экинларни парвариш қилишга қаратишингиз керак. Биринчи галдаги вазифа шуки, маккажўхори, қанд лавлагини яхши ўстириб, мўл ҳосил олиш ва ем-хашакни етарли миқдорда тайёрлаб қўйиш керак. Бу — чорвачиликни ривожлантириш учун асосий вазифадир. Эндиликда сизларнинг зонангизда экинларни парвариш қилиш ва машиналарни ўрим-йиғимга тахт қилиб қўйиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Яқин вақт ичида чорвачиликдаги биринчи маррани олмоқ—ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблагачда 75 центнердан ва яроқли бошқа ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 16 центнердан гўшт етиштирмоқ учун лозим бўлган ҳамма чораларни кўриш жуда муҳимдир. Шу маррани эгаллагач яна олға бориш, тағин ҳам юқорироқ марраларни олишга тайёрланиш керак. Бунинг учун сизларда ҳамма имкониятлар бор.

Агар биз яхшироқ ишласак ва ташкилий структурамизни тағин ҳам яхшилаб олсак, одамларни сафарбар қилсак, ишимиз муваффақиятли бораверади.

Маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, партия XXII съездининг қарорларида ва партия Программасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун имкониятларимиз бор.

Дастлабки прогнозларга қараганда, агар ғалланинг етилиш шароити ёмонлашмаса, бу йил тахминан 9-10 миллиард пуд дон олиш учун реал имкониятлар вужудга келмоқда. Биз ҳеч қачон шунчалик кўп ғалла олган эмасмиз. Партия XIX съездига қилинган ҳисобот докладида, 8 миллиард пуд ғалла олинди, ғалла проблемаси ҳал бўлди, деб айтилган эди. Лекин бу биологик ҳосил деб айтилган ҳосил эди, ҳақиқатда эса, 5,6 миллиард пуд дон олинган эди. Шу доклад эълон қилингандан кейин одамлар, модомики, дон проблемаси ҳал қилинган бўлса, суррогат эмас, ноннинг ўзини беринг, деган ҳақ гапни айта бошладилар. Бу гап Сталинга айтилганида, у: нега нон сотишмаяпти, нон сотиш керак, деган эди. Лекин нонни қаердан олиш мумкин ахир, ноннинг ўзи етишмас эди-ку, ахир.

Эндиликда дон етиштириш 3 миллиард пуд кўпайди, лекин шундай бўлса ҳам дон етиштириш проблемаси тўла ҳал қилинди, деб ҳисоблаб бўлмайди. Дон проблемасини чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш вазифаларидан ажратиб ҳал қилиб бўлмайди, дон бўлмаса гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириб бўлмайди. Дон билан чорвачилик хўжаликнинг бир-бирига боғланган икки тармоғидир.

Шу муносабат билан шуни айтмоқчиманки, нонни исроф қилмаслик керак. Яқинда мен газеталардан бирида босилиб чиққан бир хатни ўқидим, шу хатда ўз молларини нон билан боқаётган одамлар борлиги айтилади. Спекулянтлар шундай қилади. Бундай ҳолларга қарши курашилмаса, молни нон билан боқиш кўпайиб кетиши мумкин. Хўжа кўрсинга бирор жойда ишлаб, ҳақиқатда давлат нонидан фойдаланиб спекуляция билан шуғулланаётган спекулянтларга қарши кескин кураш олиб бориш зарур. Энг зарур озуқа маҳсулоти билан мол боқилишига, спекулянтларнинг бойишига йўл қўйиш ярамайди. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Бизнинг олдимизда катта вазифалар турибди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети яқинда қишлоқ хўжалик ходимларига қарата махсус Мурожаат чиқарди. Партия колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, барча қишлоқ хўжалик ходимларини чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни аҳолининг гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга имкон берадиган қилиб ўстиришни ўзининг фидокорона меҳнати билан таъминлашга чақиради. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари бу вазифани ҳал қилиш билан коммунизм қурилишига катта ҳисса қўшадилар.

Партия Марказий Комитети бу кенгашнинг қатнашчилари қишлоқнинг ҳамма меҳнаткашлари билан биргаликда бу йилнинг ўзидаёқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга эришадилар, деб ишонч билдиради. Катта, қийин ва муҳим ишда, коммунистик қурилишнинг зарбдор фронтида сизларга муваффақиятлар тилайман! **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 11108. Нашр. № Г. 1625.